

...Муқаддас қасамёдига ҳамиша содиқ, эл-юрт ҳимояси йўлида метин қалқон бўлган мард ва жасур ҳарбийларимиз Ўзбекистоннинг чинакам ватанпарвар баҳодирлари, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Халқимиз ўзининг сизлар каби ботир ва довюрақ фарзандлари – Ватанимизнинг ҳақиқий посбонлари билан ҳақли равишда фахрланади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Қуrollи Кучлар Олий Бош Қўмондони.



Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазирлиги nashri

# Postda На посту

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

2023-yil  
12-yanvar  
payshanba

№ 2 (4592)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan

Web-site: [www.postda.uz](http://www.postda.uz)

E-mail: [info@postda.uz](mailto:info@postda.uz)

## 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



Умрини юрт тинчлигини таъминлашга бағишлаган инсон ҳаёт синовларини мардонавор енгиб ўтиш баробарида, ўзига хос тажриба мактабини ҳам яратади. Уларнинг ҳаёт йўли ёшлар учун чинакам ибрат. Ана шундай фидойи инсонлардан бири Қоровул қўшинларига қарашли Қарши шаҳрида жойлашган 7533-ҳарбий қисм командири, «Мардлик» ордени соҳиби, полковник Равшанбек Розумовдир.

Ўз касбини ардоқлаб, жонкуярлик ва ташаббускорликни одатга айлантирган Равшанбек Розумов ҳарбий хизматчиларга талабчан, кези келганда, меҳрибонлик билан билмаганларини ўргатиб, устозлик борасидаги салоҳиятини намоён этиб келмоқда.

Суратда: полковник  
Равшанбек Розумов  
аскарлар билан.

Мамлакатимиз бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланаётган шу кунларда эгнига ҳарбий либос кийиб, юртни асрашни муқаддас бурчи, деб билган муддатли ҳарбий хизматчилар учун энг яхши совға нима бўлиши мумкин? Йигитлик бурчини шараф билан адо этаётган аскар учун ота-онасини кўриш, улар билан дийдорлашишдан ортиқроқ совға бўлмаса керак.

Шу кунларда ИИВ тасарруфидаги ҳарбий қисмларда «Аскар оналарини шарафлаймиз» шиори остида тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига қарашли 7251-сонли ҳарбий қисмда бўлиб ўтган ана шундай тадбир муддатли ҳарбий хизматчиларга ғоят манзур бўлди.



## УЧ АВЛОД УЧРАШУВЛАРИ



Қашқадарё ва Самарқанд вилоят ИИБларида «Уч авлод учрашуви» тадбирлари бўлиб ўтди. Вилоятлар ИИБ раҳбарияти, Фахрийлар кенгаши аъзолари иштирок этган тадбирларда фахрийлар бугунги ёш авлод ички ишлар органлари ходими деган шарафли номга муносиб бўлиши учун ўз устида тинимсиз ишлаши, билимларни пухта эгаллаши, энг асосийси, халққа ва Ватанга садоқат билан хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи, деб билиши лозимлигини қайд этишди.

Ўз навбатида, иштирокчи ёшларнинг ички ишлар органлари фаолиятини



янада такомиллаштириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари тингланди. Фахрийлар ва намунали фаолият кўрсатаётган ёш ходимлар тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.



### Хизматларда

## ФАХР-ИФТИХОР ТИМСОЛИ

Зарафшон шаҳар ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси ходимлари аҳолининг шахсни идентификацияловчи ID-карта Ўзбекистон Республикаси шахс гувоҳномаси олиш, фуқаролик паспортини алмаштириш, манзили бўйича ҳисобга қўйиш ҳамда ҳисобдан чиқариш масалалари бўйича мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиб, ижобий ҳал этиш борасида самарали хизмат қилишмоқда.

– Ўтган йили 3900 нафар 16 ёшга тўлган йигит-қизга ID-карталар берилди. ID-карта олиш ёки фуқаролик паспортини алмаштириш бўйича мурожаат қилган фуқароларга сифатли хизмат кўрсатяпмиз. Жумладан, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида фуқароларни қабул қилиш вақти узайтирилди. Тўловларни амалга ошириш учун бўлинмага банк ходими

жалб қилиниб, тўлов терминаллари ўрнатилди, – дейди Зарафшон шаҳар ИИБ М ва ФРБ катта мутахассиси, катта лейтенант Амин Ҳикматов.

Хасталиги ёки ногиронлиги сабабли бўлинмага келиш имконияти бўлмаган шахсларнинг уйларига бориб, суратга олиш ва хужжатлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Ўтган йили 36 нафар шундай фуқарога ID-карталар тақдим этилди. Бундан ташқари, «Шодлик» номли оилавий болалар уйида тарбияланаётган 9 нафар ўғил-қизга ID-карталар бепул расмийлаштириб берилди. Йил давомида 500 нафар чет эл фуқароси вақтинчалик рўйхатга олинди, 41 нафар фуқаролиги бўлмаган шахснинг тегишли хужжатлари расмийлаштирилиб, улар Президентимиз фармонида асосан Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

– 1966 йилда Россия давлатида туғилганман. 25 ёшимда ўзбекис-



тонлик йигитга турмушга чиқдим. Зарафшондаги кон бошқармасида ишлайман. Фуқаролигим йўқлиги сабабли кўп имкониятлардан фойдалана олмасдим. Ниҳоят, Ўзбекистон фуқаролигини олдим. Бундан жуда хурсандман. Кўп йиллар шу юртнинг нонини еб, бахтиёр ҳаёт кечирдик. Бундан кейин ҳам фарзандларим билан бирга Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилишга тайёрман, – дейди Ирина Тухватулина.

Ўтган йили 8 декабрда, айнан Конституциямиз қабул қилинган кунда дунёга келган ва шу йили 16 ёшга тўлган 60 нафар ўқувчига Ўзбекистон Республикаси шахс гувоҳномаси тантанали равишда топширилди. Шу кун Зарафшон шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда улар учун байрам тадбири ҳам ташкил этилди.

Маҳлиё ХОЛОВА,  
«Postda» мухбири.

Навоий вилояти.



### Ёшлар – келажак бунёдкори

Ширин шаҳар ИИБ кадрлар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори, катта лейтенант Усмонжон Юсупов 2021 ва 2022 йилларда Сирдарё вилояти ички ишлар органлари ходимлари ўртасида бўлиб ўтган «Ёш китобхон ходим» кўрик-танловининг икки карра ғолиби. У вазирлик миқёсида ўтказилган худди шундай танловда ҳам муносиб қатнашди.

## КИТОБСЕВАР ХОДИМ

Усмонжон Юсупов – мустақиллик тенгдоши. Гулистон давлат университети ички ишлар тизимига ишга қабул қилинди. Боёвут тумани «Тинчлик» маҳалласи профилактика инспектори вазифасида иш бошлаган ёш ходимга устозлик қилиб йўл кўрсатган яхши инсонлар кўп бўлди. Шу тариқа, у фаолиятини муваффақиятли бошлади. Лекин унга энг катта устозлик қилган нарса китоблар бўлди. Китоблар орқали инсоний муносабатлардаги нозик жиҳатларни теранроқ англаб, ҳар бир инсонга хос қалбдаги туйғулар оламига кира олгани унга қўл келди.

Айниқса, оилавий низолар пайтида томонларни осонгина яраштиришнинг ҳадисини олди. Тийиқсиз ҳиссиётлар оламида жўшқин ҳаёт кечиршни истайдиган, хатога кўп йўл қўядиган ёшлар билан тез тил топишди.

– Мени энг кўп ҳайратга солган асарлар мумтоз адабиётимизга тегишли, – дейди Усмонжон Юсупов. – Назаримда, Хемингуэй, Камю, Булгаков, Гарсиа Маркес каби

дунё тан олган адиблар Навоийнинг буюклигига тенглаша олмайди. Навоий асарларидаги иштибоҳ, нозик пардага ўралган маъно, қалбдаги ҳиссиётларни тасвирлаб бера олиш санъати уни жаҳон адабиётининг султони эканини тасдиқлайди.

Усмонжон билан суҳбатлашар экансиз, сиз ҳам китоблар оламига кириб кетганингизни билмай қоласиз. У ўз суҳбатида сизни бирпасда Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов каби

даҳолар қошига етаклаб бора олади. Уларнинг асарларидаги қаҳрамонларнинг яхшилик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, мардлик ва қаллобликларидан сўз очади. Энг муҳими, бу кураш саҳналарини ички ишлар органларидаги хизмат фаолияти билан муваффақиятли уйғунлаштира олади. Айниқса, шахсий таркибни тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтиришда унинг хислати қўл келмоқда.

Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ,  
«Postda» мухбири.

Сирдарё вилояти.



**Хизматларда**

## САБАБ ВА ОМИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ МУҲИМ

– дейди майор Наргиза Байдуллаева

...Ботир (исмлар ўзгартирилди) мавсумий ишчи. Кўлига пул тушса, бас, томоғини «хўллаш»-ни унутмайди. Уйига маст ҳолда келиб, жанжал кўтаради, хотинини калтаклайди. Бу гал ҳам шундай бўлди: аёлини урди ва унга кўшиб тўрт фарзандини ҳам кўчага ҳайдади.

Ичкиликка ружу қўйган эрнинг бундай номақбул қилиқларидан бечора Анора ва болалар юрак олдириб қўйган...

– Бир неча бор бу оиланинг уйига бориб, профилактик суҳбатлар олиб бордик, аёлга ҳимоя ордери берилди, – дейди Каттақўрғон тумани ИИБ



фаларини тўқис бажариши осон бўлмасди.

– Турли ташкилот ва идоралар вакиллари билан биргаликда хотин-қизларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити, муаммоларини ўрганамиз, муаммоларга ечим топишга ҳаракат

Шу ўринда бир жиҳатни таъкидлашим керак. Мен хотин-қизлар билан ўтказилган профилактик суҳбатлар жараёнида ҳодисанинг фақат оқибатини эмас, сабабларини, муаммога етакловчи омилларни ҳам ўрганиб чиқаман. Чунки ҳеч бир муаммо, нохуш ҳолат ўз-ўзидан юзага келмайди. Масалан, муқаддам судланиб, жазони ижро этиш муассасасидан қайтган А.Д. билан суҳбатлашганимда, у иқтисодий қийинчилик туфайли ўғриликка қўл урганни тан олди. Қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, кичик корхона очиб кўмак сўради. Ҳозир у очган МЧЖда мебель ишлаб чиқарилади.

Ҳаётда ҳам, хизматда ҳам натижа муҳим. Аммо унга эришиш осон эмас. Майор Наргиза Байдуллаева эса натижадорлик тарафдори. Шу боис профилактик суҳбатларда хотин-қизлар билан она, опа, сингил бўлиб тиллашади, уларни жамиятнинг фаол аъзосига айланишга ундайди. Бунда муаммога ечим топилмагунча тинмайди ва кўзлаган мақсадига эришади.

**Гулноза ТУРФУНБОЕВА,**  
«Postda» муҳбири.  
Самарқанд вилояти.



ХПБ ХҚМБ катта инспектори, майор Наргиза Байдуллаева. – Ниҳоят, кўпчилик билан кенгашиб қилган ишларимиз самараси ўларок, оилада соғлом муҳит қарор топди. Тўрт фарзанд тирик етим бўлиб қолмади. Улар ҳозир соғлом оила бағрида, тотувликда яшамоқда.

Наргиза Байдуллаеванинг тизимдаги йигирма олти йиллик фаолияти уни соҳанинг фидойи одамига айлантиргани ҳам рост. Акс ҳолда, масъулияти оғир, машаққатли соҳадаги вази-

қиламиз, – дейди қахрамонимиз. – Мисол учун, ўтган йил бошида ҳудудимизда юздан ортиқ хотин-қизлар «Аёллар дафтари»га киритилганди. Уларнинг аксариятига амалий ёрдам кўрсатилди. Айримларининг бандлиги таъминланиб, ёш фарзандлари боғчага жойлаштирилди. Баъзиларига тикув машиналари олиб берилди. Ҳозир улар уйларида тикув цехи очиб, қўшимча даромад топяпти. Бундан ташқари, ўтган йил юздан ортиқ кишиларга ҳимоя ордерлари берилди.

**Миннатдорлик**

Қиш фасли бошланиши билан ҳаво ҳарорати кескин совиб кетиши нафас йўлларида сурункали касаллиги бор инсонларга салбий таъсир кўрсатади. Менда ҳам худди шундай бўлди.

## ДОИМ СОҒ БЎЛИНГ, ХАЛОСКОРЛАРИМ!

Ўша куни олий таълим муассасасидаги ўқув машғулотларим тугаганига қадар қоронғи тушиб қолди. Ижарада яшайдиган уйим узоқ бўлмагани учун ҳар кунгидек яёв йўлга отландим. Тез ҳаракатланганимдан нафасим сиқила бошлади. Шундай бўлса-да, йўлимда давом этдим. Лекин катта йўлдан

шимга келганимни кўриб, аҳволимни сўрашди ва «Тез ёрдам»га кўнғироқ қилмоқчи бўлишди. Мен «Тез ёрдам» шарт эмаслигини, сал нарироқдаги уйда яшашимни, хонамдаги доридан фойдалансам, аҳволим яшиланишини айтдим. Улар дарҳол мени кўтариб, турар жойимга олиб келишди. Дори ичи-



уйимиз томон бурилишим билан нафас олишим янада қийинлашди. Бир зум тўхтаб, ён-атрофимга қарадим. Афсуски, ҳеч ким кўринмади. Тезроқ уйга етиб олиш учун яна тўртбеш қадамча йўл юрдим. Шу пайт нафас ололмайдан ҳолсизланиб ўтириб қолдим. Яқин атрофдагиларни ёрдамга чақирмоқчи бўлдим. Овозим чиқмади, кўзларим тиниб, ерга ёнбошладим.

Орадан қанча вақт ўтди, билмадим, кўзимни очсам, хизмат кийимидаги ички ишлар органи ходимлари менга тез тиббий ёрдам кўрсатишарди. Улар ху-

шим билан нафас олишим раволашди. Ҳаёт кўзимга бошқача кўриниб кетди, йиғлаб юбордим.

Хуллас, хизмат вазифасини зийраклик ва ҳушёрлик билан бажараётган вилоят ИИБ ЖТСБ ППХ батальони 1-отряд сафдор ходимлари – сафдорлар Бунёд Қўшназаров ва Азамат Раҳимбоевдан бир умр миннатдорман. Уларнинг ўз вақтида кўрсатган ёрдами туфайли ҳаётим сақлаб қолинди. Халқимиз бахтига доимо соғ-саломат бўлинг, халоскорларим!

**Мафтуна АҲМЕДОВА,**  
Хоразм вилояти.

Яхшилик, кимнингдир оғирини енгил қилиш савобли ишлардандир. Энг муҳими, бундай хайрли амаллар одамларни оқибатли қилади, меҳрни кучайтиради. Бошқаларга ҳам «юқади». Сиз-чи, бугун қандай эзгу иш қилдингиз? Кимдан «тарбия берган отанга раҳмат» қабилида миннатдорлик эшитдингиз?


Ички ишлар органи ходимларига бундай миннатдорлик сўзлари кунда-кунора айтилади. Чунки улар кўча-кўйда ёки жамоат транспортида бўлсин, ёрдамга муҳтож юртдошларимизга ҳамisha беминнат ёрдам қўлини чўзишади.

**Суратда: ИИБ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти Метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси 2-батальон сафдор ходими, сафдор Шерали Дадабоев хизмат жараёнида.**



✓ 14 января – День защитников Родины

## БЕЗГРАНИЧНАЯ ПРЕДАННОСТЬ РОДИНЕ



«Уверен: пройдут века, но образ султана Джалолиддина всегда будет служить примером истинно сыновней любви, твердой воли и самоотверженности в надежной защите своей страны, беззаветного служения интересам Родины».

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

«Настоящее счастье для отца иметь такого сына-героя, как Джалолиддин».

**Чингисхан.**

\* \* \*

«До Джалолиддина и после него мир не знал подобного воина-богатыря. Само величие преклоняется перед его доблестью и бесстрашием».

**Мирзо Улугбек.**

## ПОМОЩЬ, ПОДДЕРЖКА, ВНИМАНИЕ

\* \* \*



Руководство УВД Сурхандарьинской области посетило дома Самандара Валиева и Бурханиддина Кудратова, погибших при исполнении служебных обязанностей. Семьям были оказаны материальная помощь и моральная поддержка.

В ОВД города Термеза Сурхандарьинской области прошла встреча трех поколений под лозунгом «Новый Узбекистан – новые органы внутренних дел». В мероприятии приняли участие руководство УВД Сурхандарьинской области, члены Совета ветеранов, учащиеся Сурхандарьинского академического лицея МВД, молодые сотрудники и их наставники.

В завершение встречи ветеранам были вручены памятные подарки.

**Соб. корр.**



## Фото недели



Сотрудников органов внутренних дел города Ташкента, несущих службу в аномальные холода, поддерживают чашкой горячего чая.

## ОНЛАЙН-ОБЩЕНИЕ С РОДИТЕЛЯМИ

В связи с празднованием Дня защитников Родины в войсковой части № 7536 Караульных войск МВД, расположенной в Бухарской области, состоялся онлайн-диалог под лозунгом «Чтим солдатских матерей».



В видеовстрече приняли участие молодые люди, проходящие службу, и их родители.

В ходе мероприятия родителям солдат, добросовестно исполняющим служебный долг, была выражена благодарность.

**Ойбек ХАМЗАЕВ,**  
**подполковник.**

*Бухарская область.*



Соҳа фидойилари

# ҲИММАТИ ЙЎҚНИНГ – ҲУРМАТИ ЙЎҚ

**Бирор бир жиноят устидан чиққан одам саросимага тушиши бор гап. Бу пайтда унинг учун биринчи илинж ички ишлар органидаги навбатчилик қисми бўлади. Воқеа ҳақида хабар берилгач, ҳодиса жойига тезкор тергов гуруҳи юборилади. Айти шу нуқтада навбатчилик қисми ходимининг ҳушёрлиги, аниқ ва тезкор ҳаракати муҳим саналади.**

Сурхондарё вилояти ИИБ Ташкилий бошқармаси навбатчилик қисми катта навбатчи-инспектори, подполковник Рустам Ашуровнинг бу борада қарийб 24 йиллик хизмат тажрибаси бор. Унинг саъй-ҳаракати билан ўнлаб жиноятлар «иссиқ изида» фош этилган.

– Кўпинча фуқаролар ҳаяжонланган ҳолда хабарни етказди. Бундай вазиятда навбатчи-инспектор фуқарони тинчлантира олиши ҳамда воқеа жойини, ҳолатни аниқлаштиради, зудлик билан тезкор тергов гуруҳини йўналтириши лозим, – дей-

ди подполковник Рустам Ашуров. – Ҳар бир ҳаракат тезкорлик билан амалга оширилсагина, жиноятнинг изи совимай, аниқ йўналиш олиш мумкин. Агар бепарволик қилинса, жараён янада қийинлашади.

**Ҳа, бу ходимга масъулият юклайди. Ички ишлар органидаги фаолиятини 1998 йилдан бошлаган қаҳрамонимиз буни жуда яхши ҳис қилади. Ҳар бир навбатчилигини ўта ҳушёрлик билан олиб боради, берилган**

**топшириқларни ўз вақтида бажаради. Албатта, тартиб – ҳамма ишни бадастир қилишда. Рустам ака ҳам барча юмушларини ўз вақтида, тўлақонли бажаришга одатланган.**

Табиатан анча қувноқ бу инсон ишда қанчалик жиддий бўлса, ўрни келганда, ҳазилни ҳам жойига қўяди. Ҳамкасблари билан самимий мулоқотга киришаркан, улар билан ҳазиломуз суҳбатлар қуришни ҳам уддалайди. Энг муҳими, Рустам ака биланларини бошқаларга, ёш ходимларга ўргатишдан сира эринмайди.

**– Бугун деярли барча ҳудудларда кузатув камералари мавжуд, улар ситуация марказга интеграция қилинган, – дейди у. – Бу биз – ички ишлар орган-**



**лари ходимларининг ишини анча енгил қилмоқда. Мавжуд имкониятларнинг қадрига етиб ишлаш кераклигини ёш ходимларга кўп уқтираман.**

Қаҳрамонимиз беш нафар фарзанднинг отаси сифатида уларни ҳар бир ишга муҳаббат ва масъулият билан ёнда-

шишга ўргатади. Уларнинг келажагидан катта умидлар қилгани ҳолда, ўз касбининг давом эттиришларини хоҳлайди. Зеро, қаҳрамонимиз шу касбни танлаб, кам бўлмади. Элга, Ватанга хизмат қилган киши ҳеч қачон ютқазмайди, деб ҳисоблайди у.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**  
**«Postda» муҳбири.**  
*Сурхондарё вилояти.*

Фахрийлар – фахримиз

# ХИЗМАТИ ИБРАТГА ЛОЙИҚ

**Кекса авлод вакилларининг ҳаёт йўли эртанги кунимиз эгалари учун доимо ибрат бўлиб келган. Ана шундай инсонлардан бири истеъфодаги подполковник Қайпназар Абдижапаровдир.**

**И**лк фаолиятини Қорақалпоғистоннинг чекка ҳудудларидан бири бўлган Мўйноқ тумани ИИБ терговчиси лавозимида бошлаган Қ. Абдижапаров аввал кўзғатилган жиноят ишларини юритиш тартибини ўрганишдан бошлади. Билмаганларини устози – Тергов бўлими ходими, подполковник Отесин Балқасимовдан ўрганди.

Ўша пайтлари туман ҳудудида ўғрилиқ жиноятлари кўп содир этилар, уларни очиш жуда кўп вақтни талаб қилар эди. Кунларнинг бирида ўғрилиқ содир этилган жойга борган Қ. Абдижапаровга хонадон эгаси телевизор, балиқ ови учун мўлжалланган тўрнинг йўқолганини айтади. Телевизорни кўтарган киши одамнинг бўйидан ҳам баландроқ тўрни олиб кетиши қийинлигидан қандайдир воситадан фойдаланган, деган хулосага келган терговчи уй атрофини кўздан кечирилади. У адашмаган экан, унча узоқ бўлмаган жойдан арава филдиракларининг излари



топилади. Эрталаб бўлгани учун излар ҳали босилмаганди.

Эътиборлиси шундаки, излар орасида қандайдир юмшоқ жисмининг ерга тегиб, билинар-билимас йўлни супуриб кетган жойлари ҳам бор эди. Бу балиқ тўридан қолган излар бўлиши мумкинлигидан дарак берарди. Ўғрининг қайси томонга йўл

олгани ҳақида тахминга эга бўлган терговчи хонадонлардан қайсиларида арава борлигини аниқлашга киришади. Хонадон эгалари билан ўтказилган суҳбат чоғида улардан бири тунги сменада бўлганини айтиб, ҳаракатларида шубҳа уйғотади. Буни сезган терговчи холислар иштирокида уйни кўздан кечиришга қарор қилади. Текширув чоғида уйнинг оғилхонасидан нафақат телевизор ва ов тўри, балки бошқа ўғрилиқларда йўқолган нарсалар ҳам топилади.

**Суриштирувлар чоғида ишхонасида намунали ходим дея танилган бу шахснинг тунги сменага тушган пайтларида кўп-кўп ўғрилиқларни амалга ошириб келаётгани маълум бўлади.**

Кейинги фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Жамоат тартибини сақлаш бўлими катта инспектори лавозимида давом эттирган Қ. Абдижапаров

полковник Жоллибай Узақбаевдан соҳага оид кўп-кўп маслаҳат ва тавсиялар олиб турди. Бу эса кейинчалик унинг турли раҳбарлик лавозимларида муваффақиятли фаолият олиб боришида ҳам қўл келади.

Подполковник унвонида пенсияга чиққан Қ. Абдижапаров ички ишлар органлари тизимидан узоқлашиб кетмади. Айти пайтда у соҳадаги ёш кадрларни тарбиялашда фаоллик кўрсатиб келаётган фахрийлардан бири.

Лавҳамиз қаҳрамонининг кўксини «Жасорат» медали ҳамда «Ички ишлар органларининг фахрий ходими» кўкрак нишони безаб турибди.

Оилага меҳри баланд бўлган Қайпназар Абдижапаров турмуш ўртоғи Зийуар опа билан икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Ҳозирда улар 5 набиранинг севимли бобожони ва бувижони сифатида умргузаронлик қилмоқда.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**  
**«Postda» муҳбири.**  
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

✓ Молодежь – наше будущее

## РАВНЯЯСЬ НА СТАРШИХ КОЛЛЕГ

**В подразделениях ОВД ответственные функции по обеспечению общественной безопасности и борьбы с преступностью выполняют молодые специалисты. Один из них – лейтенант Нурмухаммад Ашуров.**

Герой очерка – выпускник Краснодарского университета МВД России 2022 года. Причем окончил он университет с дипломом отличия.

– Для прохождения службы был направлен в УКД ОВД города Ферганы, в соответствии со специальностью назначен на должность следователя, – говорит лейтенант Н. Ашуров. – Профессиональную деятельность осуществляю, равняясь на старших коллег – майора Сарвара Кабирова, капитана Ак-



баршоха Боборахимова, старшего лейтенанта Шахбоза Комилова.

Годы обучения в вузе дали Нурмухаммаду необходимый багаж профессиональных знаний, который он успешно применяет в практической деятельности. Несмотря на то, что герой очерка молодой специалист, на его счету ряд успешно расследованных уголовных дел, в том числе связанных с дорожно-транспортными происшествиями, нанесением телесных повреждений, мошенничеством, кражами.

По мнению коллег, Нурмухаммад обладает серьезной теоретической подготовкой. Его отличают ответственность, целеустремленность, инициативность.

**Радик ТУМΠΑРОВ,**  
корреспондент «На посту».  
Ферганская область.

✓ 14 января – День защитников Родины

## ПРИНЯТЬ ПРАВИЛЬНОЕ РЕШЕНИЕ

**Профессионализм и мастерство высоко ценятся во все времена. Благодаря профессиональным навыкам специалист любой отрасли в самые короткие сроки может решить поставленную задачу.**



К числу высокопрофессиональных правоохранителей можно с уверенностью причислить инспектора 3-го отряда батальона обеспечения безопасности при проведении массовых мероприятий бригады ППС ГУВД г. Ташкента старшего сержанта Абдурахмонхужу Абдуллаева.

В органах внутренних дел он с 2014 года. Решение принял, равняясь на своего дядю, старшего сержанта Хожиакбара Хамидова, который в настоящее время служит в Национальной гвардии Республики Узбекистан.

– С благодарностью вспоминаю первых наставников – Бахтиёра Абдуллаева и Шамсиддина Чинова, которые щедро делились со мной ценным опытом, помогали осваивать азы профессии, никогда не отказывали в дельном совете, – вспоминает А. Абдуллаев. – С тех пор прошли годы, и я сам уже являюсь наставником, помогаю молодому пополнению.

Ныне, в зимнюю непогоду, старший сержант А. Абдуллаев с коллегами и во взаимодействии с представителями службы пожарной безопасности МЧС Узбекистана осуществляют рейды на рынках столицы, проводят с работниками беседы на противопожарную тематику, распространяют тематические буклеты и брошюры. Также проводятся обходы территорий махаллей.

... Для каждого из нас дом – это крепость, в которой отдыхаешь душой, находишь уют и радость. Семья – надежный тыл и домашний очаг. Супруга героя очерка, Дильноза, воспитывает сына, Мухаммадусуфа, и дочь, Хадичу, заботится о муже, принимая все трудности будней сотрудника органов внутренних дел. Дом наполняется смехом и улыбками, когда Абдурахмонхужа приходит домой. Как чудесно после нелегкого служебного дня обнять детей и осознать, что ты счастливый человек!

**Георгий ПЕТРОСЯН,**  
корреспондент «На посту».



## МАРАФОН «5000 ШАГОВ К ЗДОРОВЬЮ»

**По случаю 31-й годовщины Вооруженных Сил Республики Узбекистан и Дня защитников Родины 9 января был проведен массовый забег под девизом «Национальная армия – надежный щит Нового Узбекистана!». Цель – воспитание патриотизма, укрепление единства армии и народа.**

В марафоне приняли участие сотрудники УВД Кашкадарьинской области, Касбинского РОВД, жители махаллей, любители спорта. Бегуны пробежали по центральным улицам района – Мустакиллик и Оккамиш.

Среди сотрудников органов внутренних дел регулярно проводятся мероприятия, направленные на пропаганду здорового образа жизни.

**Хабибулла МУХАММАДИЕВ,**  
майор.

Кашкадарьинская область.



14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

# МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Азим Тошкентнинг Учтепа туманида таваллуд топган Ойбек ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртини муваффақиятли тамомлаб, ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7534-ҳарбий қисмда хизматни бошлади.

Кейинчалик ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7531-ҳарбий қисм 2-ўқчи батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида хизматни давом эттирди.

2022 йилдан буён подполковник Ойбек Ҳамзаев ИИВ Қоровул қўшинлари 7536-ҳарбий қисмнинг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими бошлиғи лавозимида самарали хизмат қиляпти.

У шахсий таркибнинг маънавий-маърифий ва

ҳуқуқий билимини ошириш ҳамда ахлоқий-руҳий ҳолатини яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича кўплаб тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Қоровул қўшинлари ҳарбий қисмлари ўртасида ўтказилган «Энг яхши китобхон» танловида кичик сержант Соҳиб Усмонов фахрли ўринни эгаллади. Ходимларнинг ахлоқий-руҳий ҳолатини яхшилаш борасида ташкил этилган танловнинг шаҳар бос-



Суратда: подполковник Ойбек Ҳамзаев (ўртада) ҳамкасблари билан.

кичида эса ҳарбий қисм жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Қолаверса, йил якуни бўйича Қоровул

қўшинлари ўртасида барча йўналишлар ҳисобида учинчи ўринни ҳам мазкур ҳарбий қисм олди.

Инсон бахтининг тўқислиги оиласига ҳам боғлиқ. Ойбек намунали оила бошлиғи. Умр йўлдоши Нодирахон билан бирга Мубинабону, Муслимабону, Абдурауф ва Шукронабонуларни тарбиялаб вояга етказмоқда.

Ҳаётда инсон юксак марраларни кўзлаб, астойдил меҳнат қилса, албатта, унга етишади. Қуролли Кучларимиз сафида подполковник Ойбек Ҳамзаев каби ўз касбининг фидойилари қанча кўп бўлса, миллий армиямиз таянчи мустаҳкам бўлиб бораверади.

**Мирзокул АҲАДОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Бухоро вилояти.

## БАХТИ БЕКАМ ҲАРБИЙЛАР



Оилада олти фарзанднинг бешинчиси бўлган Бобурбек Исмоилов илк хизмат фаолиятини Қоровул қўшинларига қарашли Навоий вилоятидаги 7532-ҳарбий қисмда взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида бошлаган.

Ҳозирда ҳаёт йўлидан шахдам одимлаётган лавҳамиз қаҳрамони Зарафшон шаҳридаги 7551-ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари – штаб бошлиғи, турмуш ўртоғи, кичик сержант Ҳилола Исмоилова эса таъминот хизмати иш юритувчиси.

Ҳилолахон кикбоксинг бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, кўплаб халқаро турнирлар ғолиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Қўшин аълочиси» кўкрак нишони соҳибасидир.

Хизмат билан бирга, оилани ҳам муқаддас билган бу инсонлар

икки ўғилни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Тўнғичи Комронмирзо 8 ёшда бўлишига қарамасдан, онаси изидан бориб, спортнинг таэквондо тури бўйича Ўзбекистон чемпиони, ментал арифметика бўйича ҳам 4 карра мамлакатимизда тенгсиз деб топилган. Эндиликда Қозоғистонда бўлиб ўтадиган халқаро турнирга пухта ҳозирлик кўряпти. Кенжаси Имронбек 5 ёшда. У мураббийлари ёрдамида шахмат ва шашка билан мунтазам шуғулланиб келаётир.

– Фарзандларимиз келажаги – бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз истиқболи, – дейди лавҳамиз қаҳрамонлари. – Шу сабабли, Ватанимиз тинчлигини асраш билан бир қаторда юртимизнинг эртанги кунига ҳам масъулмиз.

**Михли САФАРОВ,**  
«Postda» мухбири.

Навоий вилояти.



## КЕЧА ВА БУГУН

ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли Тошкент шаҳридаги 7531-ҳарбий қисмга кириш дарвозасининг аввалги ва ҳозирги кўриниши



## Сифатли таълим – тараққиёт пойдевори

# ЭЪТИБОРДАН ЯШНАГАН НУРЛИ МАСКАН

Марғилон шаҳар кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган «2-Нурли маскан» махсус мактабининг Бешариқ бўлими давлатимиз эътибори ва ҳомий ташкилотлар кўмаги туфайли обод ва файзли гўшага айланиб бормоқда.

– Мактаб 2008 йилда Кўзи ожизлар жамияти Бешариқ туман бўлими қошида ташкил этилган эди, – дейди жамиятнинг ҳозирги кундаги раиси, халқ таълими аълочиси Сарвиноз Облақулова. – Ўшанда Бешариқ шаҳри Сирдарё кўчаси 12-уйда жойлашган Сув хўжалигига қарашли бўш бино ҳокимлик рухсати билан ажратиб берилган. Йилдан-йилга ўқувчилар сони кўпайиб, 2010 йилда 2 та синф

шаклланди ва ўқувчилар 20 нафардан ошди.

Мактабда 2014 йилда кар ва заиф эшитувчи ўқувчилар синфи ҳам очилган. 2020 йилга келиб эса шу йўналишдаги синфлар сони 3 тага, ўқувчилар эса 60 нафарга етди. Ҳозирги кунда бу ерда 10 нафар кўзи ожиз ва заиф кўрувчи, 26 нафар кар ва заиф эшитувчи болалар таълим олмоқда.

Бўлим раҳбарининг айтишича, ўқувчиларга малакали тифлопедагог,



сурдопедагог ўқитувчилар сидқидилдан сабоқ бериб келишмоқда. Ўқувчилар орасидан эса кўплаб иқ-

тидорли ёшлар етишиб чикди. Масалан, ижодкор ўқувчи Гуласал Ғайратжоннова ўз шеърлари билан турли кўрик-танловларда фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Мактаб битирувчилари орасида олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичи ҳам анча юқори.

Яқинда Президент маслаҳатчиси бошчилигидаги республика идоралараро ишчи гуруҳининг ўрганишидан сўнг Қурилиш вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармасининг амалий кўмаги билан бино таъмирланди ва янги парталар, стол-стулар, ўқув жиҳозлари, спорт

анжомлари ҳамда кўргазмали воситалар етказиб берилди.

– Бундай эътибор учун ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчилар, ишчи-ходимлар ва жамиятнинг барча аъзолари номидан Юртбошимизга, бизни қўллаб-қувватлаган мутасадди раҳбарларга миннатдорлик билдираман, – дейди Сарвиноз Облақулова. – Бу ғамхўрликка жавобан, ўқувчиларимизга сифатли таълим бериб, уларни она Ватанимизга муносиб, билимли ва комил инсонлар қилиб тарбиялаймиз.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Фарғона вилояти.



## Жазони ижро этиш тизимида

# ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ

– Илк хизмат фаолиятимни вилоятимизда жойлашган 11-сонли жазони ижро этиш колониясида, туркум бошлиғи лавозида бошладим. Зарур билим ва кўникмаларни эгаллашимга мазкур муассасада кўп йиллардан буён хизмат қилаётган устозларим яқиндан ёрдам беришди, – дейди ушбу колониянинг тарбиявий ишлар бўлими катта инспектори, майор Фируз Бобоназаров.

Унинг асосий вазифаси маҳкумлар билан тарбиявий тадбирларни ташкил этишдан иборат. Шунингдек, жазо муддатини ўтаётганлар ва уларнинг қариндошларидан тушган ариза-шикоятларни белгиланган тартибда кўриб чиқади ҳамда ҳар куни уларнинг шахсий саволлари бўйича қабулларни ташкил этади. Ҳозирда маҳкумларни ахлоқан тузатиш мақсадида 20 дан ортиқ ташкилот билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

– Жазони ижро этиш муассасасида мусиқий-композицион тадбирлар ташкил этиб, танловлар


ўтказамиз. Бу каби тадбирлар маҳкумларнинг истеъдодларини юзага чиқариш баробарида, озодликнинг қадрига етиш, хатоларни тушуниш, ҳаётда тўғри йўлни танлашларида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз, – дейди қаҳрамонимиз.

Ҳатто ўз қобилиятига ишонмаган маҳкумлар ҳам турли касб-хунарлар бўйича ташкил этилган маҳорат дарслари натижасида мохир усталарга айланмоқда. Энг муҳими, жорий йилда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, қатъий тузалиш йўлига ўтган 67 нафар маҳкум

муддатидан илгари озод этилди, шунингдек, 120 нафарининг жазоси енгилроғига алмаштирилди.

Майор Фируз Бобоназаров учун ўтган – 2022 йил жуда омадли бўлди. Боиси, ИИБ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаментига қарашли колониялар миқёсида ўтказилган «Энг яхши тарбиячи» кўрик-танловида ғолиб чиқиб, 15 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритди. Шунингдек, унга навбатдаги «майор» махсус унвони берилди.

**Махлиё ХОЛОВА,**  
«Postda» мухбири.  
Навоий вилояти.



# ГЛАВНОЕ – ИДТИ ВПЕРЕД

Инспектор отдела кадров УКД ОВД Яшнабадского района столицы старший лейтенант Фаррух Эрматов служит в данном подразделении шесть лет, до этого он работал инспектором профилактики.

Фаррух решил, что станет стражем порядка, когда присутствовал на церемонии принятия присяги, которую давал его дядя, призванный на срочную службу. Это событие произвело на мальчика неизгладимое впечатление.

Будучи инспектором профилактики, герой очерка оказывал поддержку каждому, кто обращался к нему за помощью. Как-то поздно ночью, возвращаясь со службы, увидел, что горит дом. Стал стучать в калитку, но на его крики никто не отозвался, тогда пришлось выломать дверь. Сонный хозяин не понял, что случилось. За считанные минуты пламя охватило почти все комнаты. Фаррух,

не растерявшись, нашел детскую и вынес двоих, потерявших сознание ребятишек на улицу, вызвал «скорую помощь» и пожарную службу. Он спас семью, но героем себя не считает – это его работа. Обладать быстрой реакцией, по мнению старшего лейтенанта Ф. Эрматова, должен каждый страж порядка.

Больше всего Фаррух хочет быть нужным людям. Будучи инспектором отдела кадров, содействует в оказании помощи семьям сотрудников, в которых есть инвалиды, тем, кто хочет поправить свое здоровье, выдаются путевки в санатории, для детей – в летние лагеря.



В настоящее время он готовится поступать в Академию МВД на заочное отделение.

В семье Эрматовых растут дочь и сын. Мальчишка очень хочет быть похожим на отца и каждый вечер ждет его возвращения, ведь папа уезжает на работу рано утром, а возвращается далеко за полночь.

Старший лейтенант Фаррух Эрматов считает себя счастливым человеком – у него есть крепкая семья, любимая работа и много планов, которые обязательно сбудутся. Главное – идти вперед к своей цели.

Бибигуль МУРТАЗАЕВА.

Есть такая служба

## ВАЖНОСТЬ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ



**В наше время невозможно представить деятельность правоохранительных органов без соответствующих баз данных. По мере развития и усложнения средств, методов и форм автоматизации процессов обработки информации повышается зависимость общества от степени безопасности используемых им технологий.**

– Сотрудники подразделения обеспечивают безопасность проводной, беспроводной связи и интернет-каналов, – рассказывает начальник отдела информационных технологий, связи и защиты информации УВД Андижанской области капитан Диёрбек Косимов. – Личный состав активно участвует в мероприятиях, проводимых в рамках концепции «Безопасный город». Это не только контроль работы камер наружного видеонаблюдения, проверка оптоволоконного кабеля и специального обо-

рудования, но и поддержание в боевой готовности носимых радиостанций, звукоусилителей.

При отделе функционирует мастерская по ремонту средств связи и специальной техники, которой руководит вольнонаемный сотрудник Азизбек Кодиров. Опытные специалисты ремонтируют переносные и стационарные радиостанции, проблесковые маячки и сирены, которыми оснащаются оперативные автомобили. Отлично справляются со своими служебными обязанностями

старшие специалисты лейтенанты Хасанбой Нематжонов и Шерзод Исомиддинов, специалист старший сержант Аброрбек Зокиров.

В современных условиях киберпреступность выступает в качестве большой угрозы для общества, поэтому надо придерживаться простых правил: как можно чаще следить за обновлениями программ, никому не сообщать пароли и доступы, не устанавливать программы из подозрительных источников.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
корреспондент  
«На посту».

**На снимке:** специалист отдела информационных технологий, связи и защиты информации УВД Андижанской области старший сержант Аброрбек Зокиров.

Фото автора.

Андижанская область.

Будни уголовного розыска

## БДИТЕЛЬНОСТЬ И ОПЕРАТИВНОСТЬ

Сотрудники отделения уголовного розыска Каганского РОВД работают эффективно. Только за последние месяцы уходящего года ими были раскрыты более 40 преступлений, задержаны четверо разыскиваемых лиц.

Жительница села Дехмирзаян махалли Таракиёт Каганского района обратилась в РОВД с заявлением о том, что у нее украли три коровы. В ходе расследования был установлен один из подозреваемых – житель соседнего села, несовершеннолетний Т. К.

– При осмотре дома в сарае были обнаружены четыре головы крупного рогатого скота. Подозреваемый настаивал на том, что купил коров. Мать подтвердила, что деньги на покупку выслал супруг, работающий за границей. Но когда потерпевшие узнали свой скот, женщина засомневалась в правдивости слов сына. В результате подросток во всем признался. Коровы были возвращены владельцам, данный факт оформлен в законном порядке, – рассказывает начальник отделения уголовного розыска районного ОВД капитан Ойбек Рахматуллаев.

Подобных эпизодов в деятельности сотрудников уголовного розыска немало. Помимо добросовестного выполнения возложенных на них обязанностей, они принимают активное участие в профилактических мероприятиях, предпринимают соответствующие меры по предупреждению преступлений и правонарушений, что положительно влияет на криминогенную обстановку в районе.

Соб. корр.

Бухарская область.

# DAVLAT TILI – BIRLIGIMIZ, BORLIGIMIZ RAMZI

**Til – millat ko'zgusi. Uning ta'rifini dunyodagi eng buyuk zot – Ona nomi bilan birga ta'kid etamiz. Aslida ham shunday. Murg'aklikdan qalbimizga eng ezgu fazilatlar ona allasining sehrli ohanglari, ona tilimizning betakror jozibasi bilan oqib kirib, jismi jonimizga, ruhimizga singadi. O'z tilini yo'qotgan inson esa o'zligini yo'qotishi tayin.**

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 4-moddasida davlat tilining maqomi huquqiy jihatdan mustahkamlab qo'yilgan. Shu bois, o'zbek tili davlatimizning bayrog'i, gerbi, madhiyasi kabi qonun yo'li bilan himoya qilinadigan muqaddas davlat ramzlari qatori e'zoz va ehtiromda.

Tarixga nazar solsak, o'sha kezlarda o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi O'zbekistonning davlat mustaqilligi sari qo'yilgan



birinchi dadil qadam edi. Shukrki, o'tgan yillar mobaynida o'zbek tili davlat tili sifatida xalqimizni, jamiyatimizni ulug' maqsadlar sari birlashtiradigan qudratli kuch bo'lib maydonga chiqib ulgurdi. Ayniqsa, keyingi yillarda davlat tilining nufuzi va maqomini yuksaltirishga qaratilgan farmon va qarorlar, me'yoriy hujjatlar qabul qilindi. Tegishli qonunlarga asosan reklama va targ'ibot materiallarini davlat tilida e'lon qilish tartiblari hamda davlat fuqarolik xizmatiga qabul qilishda o'zbek tilini bilish darajasi bo'yicha aniq talablar belgilandi.

Shu o'rinda ona tilimizga bo'lgan e'tibor, nafaqat bugungi

kunda, balki tarixning barcha davrlarida ham dolzarb ahamiyat kasb etganligini aytib o'tishimiz joiz. Xususan, ulug' mutafakkir shoir **Alisher Navoiy «Xalq orasidan chiqqan iste'dod ahli salohiyat va qobiliyatlarini o'z tillari turganda o'zga til bilan zohir qilmasalar va ishga solmasalar edi. Agar ikkala tilda ijod etish qobiliyatlari bo'lsa, o'z tillarida ko'proq yozsalar edi»**, deya ona tilimiz taqdiri uchun kuyungan. Ayni paytda haqiqiy millatparvar shoir sifatida o'zbek tili va adabiyotimizning nechog'lik boy, rang-barangligi va cheksiz imkoniyatlarini butun ijodi va serqirra faoliyati bilan isbotlab, uning nufuzini jahon miqyosiga olib chiqa olgan.

Shuningdek, tilning ahamiyati, uning mavjudligi har qanday yurt, millat taraqqiyotini belgilab berishi haqida qayg'urgan ma'rifatparvar bobolarimizdan biri bo'lgan Mahmudxo'ja Behbudiyning **«Har bir millatning dunyoda borligini ko'rsatadur-gon oyinayi hayoti til va adabiyotdir. Milliy tilni yo'qotmak millat ruhini yo'qotmakdur»**, degan purma'no fikrlarini eslaylik.



Bugungi globalashuv, dunyo xalqlarining turmush tarzi tobora yangicha umumiylik kasb etgan bir davrda bu so'zlarning zalvori ikki hissa ortdi, desak, to'g'ri bo'ladi. Chunki tilimiz taraqqiy etish barobarida, yangi so'zlar kirib kelmoqda. Misol uchun, pitsa, hotdog, lavash, shurma, millenium kabi so'zlar kundalik turmushimizda so'zlashuvimizga singib ulgurdi. Bunda tilshunoslarimiz ona tilimizning jonkuyarlari sifatida, uning lug'at xazinasini boyitish va tozaligini ta'minlash, leksik me'yorlarning muntazamligiga erishishda o'zbek tilining o'z ichki imkoniyatlariga tayanish kerakligini, o'zbek tilining o'z qonuniyatlari asosida yangi so'zlar yasash, u yoki bu sababga ko'ra iste'moldan chiqqan qadimgi va eski turkiy so'zlarni tiklash, tilimizning teran tomirlari bo'lmish shevalardan so'z olish maqsadga muvofiqligini ta'kidlashadi. Masalan, «raport» so'zining o'zbekcha muqobili sifatida «bildirgi» so'zi yasaldi va adabiy tildan joy oldi. Yoki «rayon» so'zi avval «nohiya» so'zi bilan almashtirildi, ammo leksik me'yor maqomini olmadi. Keyinroq eski o'zbek tilidagi «tuman» so'zi iste'molga kiritildi, u faol lug'atimizda o'z o'rnini topdi.

Ma'lumot o'rnida ta'kidlash joizki, bugungi kunda jahon ahli 7 mingdan ziyod tilda gaplashadi. Ammo ularning faqatgina 200 ga yaqini davlat tili yoki rasmiy til maqomiga ega. Biror-bir tilning yashab qolishini ta'minlash uchun undan kamida 1 million kishi faol

foydalanishi kerak. Bugungi kunda yer yuzida 50 millionga yaqin inson o'zbek tilida so'zlashadi. Bundan ayonki, bebaho tilimiz tobora dunyodagi yirik tillardan biriga aylanib borayotir.

Biz bugun bir haqiqatni unutmasligimiz lozim. O'zbek tili ayni damlarda ko'p millatli xalqimizni yuksak ma'rifatli jamiyat barpo etishdek ezgu maqsad yo'lida jipslashtiruvchi, yurtdoshlarimiz qalbiga yagona Vatan, umumiy farovon kelajak tuyg'usini singdirishda alohida ahamiyatga ega. Uni ko'z qorachig'idek asrab-avaylash, boyitib borish ozodligimiz, erkin va farovon hayotimizni asrash bilan barobardir.

XX asr boshida yashab ijod qilgan, o'zbek, arab, fors, hind, turk va rus tillaridagi so'zlarni o'z ichiga olgan bebaho lug'at kitobini yaratgan ma'rifatparvar bobomiz **Is'hoqxon Ibrat-**



**ning «Bizning yoshlar albatta boshqa tilni bilish uchun sa'y-harakat qilsinlar, lekin avval o'z ona tilini ko'zlariga to'tiyoqilib, ehtirom ko'rsatsinlar. Zero, o'z tiliga sadoqat – bu Vataniy ishdir»**, degan hikmatli so'zlari biz uchun muhim dasturilamal, hayot yo'limizni yoritadigan mayoq bo'lib xizmat qilishi kerak.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, dunyoda o'zbek tili borligi uchun o'zbek degan millat bor, o'zbek degan millat borligi uchun O'zbekiston degan davlat bor. Mustaqil yurtimizning davlat tili bo'lgan o'zbek tili birligimiz, borligimiz ramzidir.

**Gulnoza TURG'UNBOYEVA,**  
«Postda» muxbiri.

■ Ёшлар – келажак бунёдкори

# ВАТАН ИШҚИ ИЛА

**Болалигидан ички ишлар органлари ходими бўлишни юрагига жо қилган Азиза Хонтемирова 2009 йилда спортнинг дзюдо тури бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган республика чемпионати ҳамда мамлакат кубоги мусобақаларида ўз вазн тоифасида барча рақибларини доғда қолдириб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Кейинги йили эса катталар ўртасидаги республика чемпионатида ҳам тенгсиз деб топилди.**

А. Хонтемирова ҳозирда ИИВ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти Метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси 5-батальон сафдор ходими лавозимида хизмат қилмоқда.

Лавҳамиз қахрамони фаолиятининг илк кунлариданоқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида ўтказилган универсал жанг спорт турининг «Light» йўналиши бўйича республика чемпионатида 63 килограмм

вазн тоифасида 1-ўринга муносиб эканлигини кўрсатди. Ўз билимини янада юксалтиришни мақсад қилган Азиза ИИВ Малака ошириш институтида таҳсил олди. Ана шундай тинимсиз саъй-ҳаракатлар ва спортдаги кетма-кет ғалабалар туфайли раҳбариятнинг назарига тушган ёш ходим зафарли ютуқларни давом эттирган ҳолда, ўтган йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтган универсал жанг бўйича жаҳон чемпионатида қатнашиб, ғолиб бўлди. Орадан



уч ой ўтиб, Туркияда ўтказилган жаҳон кубогида ҳам ўз вазн тоифасида тенгсиз эканлигини намоён қилди.

Айни пайтда халқаро спорт устаси унвонига даъвогарлик қилаётган Азиза Хонтемирова ўз вазн тоифасида дзюдо, миллий ва

белбоғли кураш, универсал жанг ҳамда самбо бўйича республика, қитъа ва жаҳонда тенгсиз эканлигини исботлаб, 50 дан ортиқ олтин медаль ва кубоклар билан келажаги порлоқ спортчи эканлигини тасдиқлади.

**Ўз мухбиримиз.**

# ОППОҚ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

**Шерали болалигидан электротехника воситаларини тузатаётган акаларининг ишини зўр иштиёқ билан кузатарди. Фотоаппарат, телевизор ва радиопрёмникларнинг қандай ясалганига қизиқиб, уларни тузатишга уринарди. Бундан ташқари, ота-онасига даладаги ишларда кўмаклашиб бўлгач, болаларга мўлжалланган қизиқарли кўрсатувларни томоша қилишни яхши кўрарди.**

У экрандаги тасвирларнинг қандай олинишига эътибор берар, айниқса, эфирга узатиладиган «Яшил чироқ» кўрсатувини севиб томоша қиларди. Унинг кўнглида ўша онлардаёқ соҳага қизиқиш уйғонган эди. Қизиқиш, бу нафақат телевидение соҳасига, балки кўрсатувда қатнашаётган, эгнига ички иш-



лар органлари либосини кийган ходимларга ҳавас эди.

Орадан йиллар ўтди. Вояга етган Шерали армияда тобланди. Ҳарбий хизматдан сўнг мақсади

сари интилиб, ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсига ўқишга кирди. Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот хизматида полковник Азиз Эр-

назаровдан нафақат оммавий ахборот воситалари билан ишлашни ўрганди, балки ички ишлар органлари йўналиши бўйича ҳам йўл-йўриқлар олди.

Катта сержант Ш. Мирзачаев матбуот хизматидаги ҳамкасбларидан сифатли тасвирга олиш ҳамда монтажнинг сир-асрорларини мукаммал ўрганди. Тизимда тажриба орттириб, малакасини ошириб борди. 2018 йилда ИИВ идора ва тизимлари матбуот хизматлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг «Энг яхши монтаж устаси» йўналишида ғолибликни қўлга киритди.

ИИВ Академияси сиртқи бўлим тингловчиси Ш. Мирзачаевнинг энг катта орзуси ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли, аммо шарафли хизматини кенг халқ оммасига ёритиб беришдир.

**Сарвар СОБИРОВ,**  
«Postda» мухбири.

Тошкент шаҳри.

БИЛАСИЗМИ?

Қайси бир сипоҳий ўзини кўрсатган бўлса, рағбатлантириб, ҳақини адо этсинлар. Қайси бир сипоҳий хизматда юриб қариллик ёшига етаркан, уни ойлик-ҳақдан маҳрум этмасинлар ва мартабасидан туширмасинлар. Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин. Чунки улар давлат хизматида экан, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганининг ўзи ҳам инъомга ва моддий таъминотга лойиқлигини билдиради. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар, ноинсофлик қилган бўлурлар.

Яна амр қилдимки, қайси бир амир ёки сипоҳийнинг менинг давлатим учун хизмати синггани аниқ бўлса – ғаним лашқарини синдирган, бирор мамлакатни забт этган ёки (жон-жаҳд билан) қилич чопишган бўлса, хизматини тақдирлаб, ҳақини адо қилсинлар. Ёши кекса сипоҳийларни ҳурматлаб, азиз тутсинлар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар, чунки уларнинг айтадиган гаплари ўз тажрибаларида кўриб, билганларидир. Уларни салтанат корхонасининг устунлари деб билсинлар.

«Темур тузуклари»дан.



# ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЯЗЫК – СИМВОЛ НАШЕГО ЕДИНСТВА

**«Узбекский язык ... является для нашего народа символом национального самосознания и государственной независимости, огромной духовной ценностью».**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ.**

**Глава государства в своем недавнем Послании Олий Мажлису и народу Узбекистана отметил необходимость знания узбекского языка. Внимание к родному языку, являющемуся символом национального самосознания, основой духовности, будет еще более усилено, подчеркнул Президент.**



Узбекский язык входит в большую семью тюркских языков. В мире на нем говорят почти 50 миллионов человек. Язык – не только средство общения, но и история нации, отражение образа жизни, обычаев и культуры. Богатая история и многогранная культура нашего народа сформировались под влиянием узбекского языка. Наша задача – передать его красоту и чистоту будущим поколениям.

Наши предки берегли, хранили язык, внесли неоценимый вклад в его развитие. Алишер Навои доказал, что тюркский по своим возможностям не уступает другим языкам. На нем он создал свои бесценные шедевры. Современные литераторы, следуя традиции, в своих произведениях отражают богатство и величие родного языка. Они воспитывают подрастающее поколение в духе уважения к национальным и общечеловеческим ценностям, прививают любовь к Отчизне, чувство причастности к ее судьбе.

Во время тоталитарного строя предпринимались попытки вытеснить узбекский язык, но народ смог бережно сохранить свою национальную идентичность. 21 октября 1989 года узбекскому языку был присвоен статус государственного. В мире существует более 5600 языков, из которых только 200

имеют данный статус, что говорит о его значимости.

С момента обретения независимости в Узбекистане расширилась сфера применения узбекского языка: он активно используется в системе государственного управления, социально-экономической, культурной, просветительской, научной сферах. Проведены фундаментальные исследования в области истории, лексики, стилистики, написаны труды по сравнительной лингвистике. Созданы творческие школы имени выдающихся мастеров слова, ведется подготовка квалифицированных переводчиков.

Стало насущной необходимостью использование государственного языка во всех сферах жизни. В соответствии с принятым в прошлом году законом о рекламе весь создаваемый рекламный продукт выпускается на узбекском языке. Яркие надписи на билбордах и щитах, графическая и иная визуальная информация, размещенная на улицах столицы, городов и сел страны, теперь понятна каждому гражданину республики.

Система образования также совершенствуется в данном направлении. Обучение в школах и вузах ведется на узбекском языке с использованием латиницы. Как отмечают специалисты в области языкознания, перейдя на латиницу,

Узбекистан стал ближе к тюркоязычным странам. Это важный шаг к обеспечению единства народов тюркского мира.

Надо отметить важную роль узбекского языка как консолидирующего начала. Более 130 наций и народностей считают Узбекистан своей родиной. Государственный язык служит духовным мостом, обеспечивающим межнациональный мир и согласие, интеграцию соотечественников вокруг проводимых реформ. Все узбекистанцы, независимо от расовой и конфессиональной принадлежности, проявляют живой интерес к изучению узбекского языка. В связи с этим растет число обучающих центров, широко внедряются современные методики обучения, создаются специальные словари и учебные пособия, видео- и аудиоматериалы.

Растет интерес к узбекскому языку и у иностранных граждан.

органах, ведомствах, структурах ведется работа в данном направлении. Не отстают и органы внутренних дел. Сотрудники ОВД обязаны в полной мере владеть родным языком, быть грамотными, являть собой пример для населения. От того, насколько правильно и красиво звучит их речь, напрямую зависит, как сложатся отношения с людьми, которые должны основываться на принципах единения. Поэтому углубленное обучение узбекскому языку, начатое в школе, продолжается в образовательных учреждениях системы МВД. Разработаны оригинальные программы, методики, учебные пособия. Помимо основных занятий, организуются мероприятия, направленные на повышение культуры общения, ораторского мастерства и другие. С участием известных филологов регулярно проводятся духовно-просветительские встречи, конкурсы, беседы, круглые столы, цель которых – воспитание молодого поколения в духе патриотизма, любви к родному языку.

Как сказал Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев, наше



Жители других государств все чаще изъявляют желание научиться разговорному узбекскому языку. В этом им помогают новые приложения электронных словарей, программ по обучению.

В век высоких технологий изучение государственного языка, его продвижение ведутся в электронной форме. Активно разрабатывается электронная база данных, включающая всю научную, теоретическую и прикладную информацию об узбекском языке. Идет подготовка специалистов по компьютерной лингвистике и прикладной филологии.

Сегодня каждый житель нашей страны понимает, что знание государственного языка необходимо для того, чтобы почувствовать себя полноценным гражданином Узбекистана. Во всех государственных

отношение к государственному языку мы должны рассматривать как отношение к нашей независимости, преданность и уважение к нему – как преданность и уважение к Родине. Это должно стать правилом нашей жизни. И каждый из нас должен начать эту благородную работу с себя, своей семьи и коллектива.

В заключение хотелось бы подчеркнуть, что мы обязаны сохранить родной язык, повысить его престиж, передать красоту и чистоту будущим поколениям, внести вклад в распространение его во всем мире. Если язык жив, то живет и нация. Прославляя красоту и богатство узбекского языка, мы делаем нашу жизнь богаче, нацию – сильнее, а единство – крепче.

**Динара ШАМУХАМЕДОВА,**  
корреспондент «На посту».

Сулола

# ОТА ИЗИДАН БОРИБ

Ўттиз уч йилдан ортиқ вақт мобайнида машаққатли синовларни босиб ўтиб, айни пайтда кексалик гаштини сураётган Мажит Наврўзов спортнинг 15 тури билан мунтазам шуғулланиб, собиқ иттифоқ даврида кўплаб мусобақаларнинг совриндори бўлган.



Халқимизда «От изини той босар», деган нақл бор. Фиждувон тумани ИИБ 3-сонли Ички ишлар бўлими навбатчилик қисми инспектор-навбатчиси, катта сержант Жаҳонгир Наврўзов ота касбини ардоқлаб, эл осойишталиги йўлида хизмат қилиб келаётган юрт посбонларидан бири.

– Ички ишлар органларида хизмат қилиш кишидан сабот ва матонат, доимо ўз устида ишлашни талаб этади, – дейди Мажит ака. – Энг асосийси, ҳалоллик билан хизмат қилган киши ўз соҳасида ҳам, жамиятда ҳам муносиб ўрнини топади.

– Дадамни кечалари ухлამасдан кутардик, – дейди Жаҳонгир. – Ақлимни таниб, билдимки, дадамнинг касби шарафли экан. Бунга бир мисол, уйимизга нотаниш бир одам келиб: «Раҳмат, ака. Қорамолларимни топиб бердингиз. Биз аллақачон умидимизни узган эдик», дея миннатдорлик билдиргани ҳамон кўз олдимда. Шундан кейин аҳд қилдим: мен ҳам дадамдек бўламан.

Ҳақиқатан ҳам, Жаҳонгир аҳдида қатъий туриб, ота изидан борди. Бухоро автомобиль ва йўллар техникумида таҳсил олгач, ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсида ўқиди. 2008 йилдан буён ички ишлар органларида хизмат қилиб келяпти.

– Дадам қандай соҳада бўлмасин, унинг машаққатларига чидаган инсон қадр топади, деб кўп такрорлайди, – дейди у. – У кишининг ўгиту маслаҳатлари менга қўл-қанот бўлиб келди. Қолаверса, хизматни илк бошлаган давримда менга устозлик қилган истеъфодаги капитан Мухтор ака Очиловдан кўп нарсани ўрганганман.

Эндиликда катта сержант Ж.Наврўзов йиллар давомида тўплаган бой хизмат тажрибаси, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш борасида эгаллаган касбий кўникмаларини ёш ходимларга ўргатиб келмоқда.

– Саккиз ёшимданоқ каратэ спорт тури билан шуғулланишни бошлаганман, – дейди Жаҳонгир Наврў-

зов. – Мактаб даврида туман, вилоят ва республика мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келганман. Кейин хизмат соҳасида ўтказилган мусобақаларда қатнашганман. 2013 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Аълочи милиционер» кўрик-танловида фахрли учинчи ўринни, 2015 йили худди шу танлов Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилганда, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашимизга ўз ҳиссамни қўшдим.

Қаҳрамонимиз айни пайтда Бухоро давлат университети жисмоний тарбия факультетининг сиртки бўлимида таҳсил олмоқда.

**Унинг Сардорбек, Жавоҳир ва Асилбек исмли ўғиллари ҳам бобоси ва отасидек жисмонан чиниқиб, сулолани давом эттирмоқчи. Сардорбек 9-синф ўқувчиси, каратэ спорт тури билан шуғулланиб келади. Ўтган йили вилоят биринчилиги голиби бўлди. Жавоҳир 7-синфда таҳсил**

**олади. У қўл жанги ва каратэ билан шуғулланади. 2021 йили Қарши шаҳрида профессионал ва ҳаваскорлар ўртасида ўтказилган қўл жанги мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль соҳиби бўлди. Асилбек эса 3-синфда ўқийди. У ҳам акаларидек қўл жанги ва каратэ билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Ҳозирча туман ва туманлараро мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллапти.**

– Мен ҳам дадам ва бобом сингари шарафли касб эгаси бўлиш ниятидаман. Шу боис ҳам мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, спортда яхши натижаларга эришиб келяпман, – дейди Жавоҳир.

Ҳа, Наврўзовларнинг сулоласи ҳали давом этади. Биз бунга аминмиз...

**Мирзоқул АҲАДОВ,**  
«Postda» мухбири.  
Бухоро вилояти.

Машҳурлар  
ҳаётидан

АКТЁР БЎЛИШНИ  
ОРЗУ ҚИЛГАН АДИБ



Таниқли болалар адиби, машҳур эртакнавис Ханс Кристиан Андерсен (1805–1875) камбағал оилада туғилиб, тарбия топди. У 14 ёшида билим олиш учун Копенгаген шаҳрига йўл олди.

Адиб гарчи оила қуришни жуда истаган, болаларни севган бўлса-да, ҳеч қачон уланмаган. У кўпинча ўзини ёлғиз ҳис қиларди. Шу боис умидсизликка тушиб турарди. Шундай кезлари дўстларининг уйига бориб, ҳасрат қиларди. Мабодо уларни уйдан топа олмаса, гина-кудуратга тўла мактублар қолдирарди.

Биласизми, эртакчи кўпинча ёнида арқон олиб юраркан. Бунинг боисини сўрашса, «Агар юқори қаватда бўлганимда, ёнғин юз бериб қолса, арқонга осилиб пастга тушаман», дея жавоб қайтараркан.

Адибнинг ҳеч қачон ўз уйи бўлмаган. У кўпинча танишларининг хонадонида ёки меҳмонхоналарда яшарди. Қолаверса, ўтроқ ҳаётни ёқтирмаган, сайру саёҳатни севган. Умри давомида ўттизга яқин мамлакатда бўлган.

Ёзувчига ўзининг асарлари ичида ҳаммасидан кўра «Сув париси» эртаги кўпроқ ёқарди.

Аслида Андерсен актёр бўлишни жуда-жуда орзу қиларди. Лекин унга театрда фақат иккинчи даражали персонажлар образларини ижро этиш насиб қилган, холос. Бутун дунёга эса болалар ёзувчиси сифатида танилган.

1956 йилда Ханс Кристиан Андерсен номидаги адабий мукофот таъсис этилган. Ушбу мукофот билан ҳар икки йилда бир марта болалар учун мўлжалланган энг яхши асарлар муаллифлари тақдирланади.

**Бобомурод ТОШЕВ**  
тайёрлади.

# САЙЁҲ МАМНУН БЎЛДИ

**Х**ива шаҳрига ташриф буюрган Буюк Британия фуқароси Жозефина Ланкорф вилоят ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимларига мурожаат қилди. Мурожаатида «Ичан қалъа» ҳудудида «iPhone SE» русумли уяли алоқа воситасини эҳтиётсизлиги туфайли йўқотиб қўйганини билдириб, уни топишда амалий ёрдам беришларини сўради.

Вилоят Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси жамоат тартибини сақлаш гуруҳи инспектори, катта лейтенант Бобур Ҳабибуллаев томонидан олиб борилган тезкор суриштирувлардан сўнг сайёҳга тегишли уяли телефон топилди ва эгасига топширилди.

**Суратда:** катта лейтенант Б. Ҳабибуллаев Буюк Британия фуқароси Жозефина Ланкорфга йўқотилган уяли алоқа воситасини топширмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Хоразм вилояти.



## Фармон ва ижро

АФВ – ИШОНЧ  
ВА ИМКОНИЯТ

Президентимизнинг 2022 йил 7 декабрдаги «Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармони-га кўра, вилоятдан 12 нафар шахс муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди.

Улар Наманган шаҳри, Уйчи, Янгиқўрғон ва Наманган туманлари ички ишлар органлари пробация гуруҳларида ҳисобга олиниб, ижтимоий кўникма марказлари орқали бир марталик моддий ёрдам берилди. Шунингдек, уларнинг 9 нафари бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда ишга жойлаштирилди. Яна бирига сурункали касалликлар билан оғригани учун даволанишга йўлланма берилди.

Кечиримлик ва бағрикенглик давлат сиёсати даражасига кўтарилиши юксак инсонпарварлик намунасидир. Афв этилган юрдошларимизнинг миннатдорликка йўғрилган дил сўзларини тинглар эканмиз, уларнинг эртанги кунга умиди катта эканига амин бўлдик.

– 9 йилга озодликдан маҳрум этилгандим. Ҳали муддатим тугамай жазодан озод этилганим барча яқинларимнинг ҳам кўнглини тоғдек кўтариб юборди. Ҳаётни қайтадан бошлашни ўз олдимга қатъий мақ-

сад қилиб қўйдим. Ўзим яшайдиган Учқўрғон тумани «Соҳил» маҳалласидаги «Шердор инвест савдо» МЧЖга ишга қабул қилиндим. Афв этилиш мен каби қилмишидан афсус чекканларга берилган имкон ва ишончдир, – дейди Шерали Каримов.

– Мен озодликдан маҳрум этилганимда чақалоқ фарзандим турмуш ўртоғим билан қолганди. Оилам бағрига қайтар эканман, кўз-мунчоқдек ўғлимни бағримга босиб шукроналар айтдим. Бунинг учун Президентимиздан миннатдорман. Бундан кейинги бутун умрим давомида тўғри ва ҳалол яшайман, – дейди Уйчи тумани «Тепасарой» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Г.Эгамбердиева.

Ҳа, инсон ҳаётда адашиши мумкин. Бироқ хатони англаб етиш, тузалиш йўлига ўтиш – энг муҳимидир.

**Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА,**  
«Postda» муҳбири.

Наманган вилояти.

## Жиноят муҳокамаси

ХУЛОСА ЧИҚАРИШГА  
ЧАҚИРИЛДИ

Жиззах шаҳрининг «Иттифоқ» маҳалласида истиқомат қилган Н.Б. қўшни маҳаллада яшовчи қизнинг хонадонига бир неча бор совчи жўнатди. Аммо қизнинг ота-онаси рози бўлмади. Шунга қарамай, ёшлар учрашишга қарор қилдилар.

Кўп қаватли уй ёнида гаплашиб турган икки ёшни кўриб қолган йигит бу ҳақда қизнинг акасига телефон орқали хабар қилди. Фазаб отига минган оға уйдан ошхона пичоғини олганча етиб келди. Сўнг «Нега синглим билан гаплашяпсан?!» деганча Н.Б.нинг кўкси ва қорнига тиг санчди. Жабрланувчи шифохонада тиббий муолажалар кўрсатилишига қарамасдан вафот этди.

Эътиборлиси, ҳаётдан кўз юмган йигит ҳам, унинг жонига зомин бўлган айбланувчи ҳам юз берган кўнгилсиз воқеагача маҳаллада яхшилар қаторида тилга олинган. Қисқаси, бир кишининг жаҳлга эрк бериши икки оилани кулфат ва қайғу гирдобига улоқтирди.

Яқинда «Иттифоқ» ва «Обод» маҳаллаларида яшовчилар иштирокида мазкур жиноят муҳокама қилинди. Унда вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Файрат

Қодиров, вилоят прокурори вази-фасини бажарувчи Алишер Шамсиев, Жиззах шаҳри ҳокими Комил Холмуродов ва бошқалар сўзга чиқиб, ушбу қотиллик жиноятининг сабаб ва омилларига тўхталдилар.

Шунингдек, Жиззах шаҳрида содир бўлган бир қатор жиноятлар тафсилотлари баён қилинди ва фарзанд тарбиясига эътиборни кучайтириш, салбий ҳодисаларга нисбатан жамоатчилик назоратини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳалла фаолларининг ҳамкорлигини таъминлаш юзасидан фикр билдирилди.

Тадбир давомида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш нуқтаи назаридан ҳар икки маҳаллага тегишли муаммолар ҳам ўрганилди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
«Postda» муҳбири.

Жиззах вилояти.



## Биз коррупцияга қаршимиз

## ХАТО ОРТИДАН ХАТО

«Хавфсиз ҳудуд» профилактик тадбири доирасида тунги хизматга жалб этилган Муборак тумани ИИБ ХПБ 43/4-сонли таянч пункти профилактика инспектори, капитан Ҳусан Улашевда «Нексия-2» русумли автомашина ҳаракатланиши шубҳа уйғотди. Маҳалла ҳудудини кесиб ўтувчи марказий йўлдан келаётган автоулов ҳайдовчисига тўхташ ишораси берилди. Ҳайдовчи автомашинани тўхтатди-ю, лекин негадир, туша солиб қочишга чоғланди.

Бу бежиз эмас экан. Кейинчалик нарколог шифокор кўригидан ўтган ҳайдовчи, туманининг «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи У.Ш. маст ҳолда рулга ўтиргани маълум бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, автомашина вақтинча сақлаш майдончасидан жой олди.



Ҳайдовчи эртаси куни капитан Ҳ.Улашевга учрашиб, ўзига нисбатан чора кўрмаслик эвазига 200 АҚШ доллари миқдорида пора таклиф этди. Профилактика инспектори унга бу иш жиноят эканини тушунтирди. Аммо... Натижада капитан Ҳ.Улашев бу ҳақда раҳбариятга билдирги билан мурожаат қилди.

Ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро У.Ш. капитан Ҳ.Улашевга унинг хизмат хонасида 200 АҚШ долларини пора тариқасида бераётган вақтида қўлга олинди.

Энди у содир этган ушбу жинояти учун ҳам қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

**Илҳом ЮСУПОВ,**  
капитан.

Қашқадарё вилояти.

# С морем в сердце и творчеством писателя

Однажды в беседе с членом Совета ветеранов МВД Республики Узбекистан подполковником в отставке Михаилом Татарниковым я спросил:

– Представьте, что у вас была бы уникальная возможность повернуть вспять прожитые годы? Как бы вы поступили?

Михаил Дмитриевич чуть-чуть подумал и, улыбнувшись, ответил:

– Знаешь, Георгий, ни о чем не жалею и ничего бы не изменил...

По правде говоря, другого ответа от этого талантливого и разностороннего человека я и не ожидал. Михаила Дмитриевича знаю давно, мы видимся часто, много беседуем, общаемся по душам. И вот в преддверии 80-летнего юбилея заслуженного ветерана состоялась беседа, в которой он рассказал о своем долгом и насыщенном событиями жизненном пути. Человек с удивительной биографией: правоохранитель, журналист, писатель М. Татарников и ныне живет бескрайними морскими просторами и приключениями давно минувшей юности... Многие его называют тепло – Миша ака, а я по привычке, словно родственника, – дядя Миша.

...Родился он 10 января 1943 года в Житомирской области Украины. Родители воевали в партизанском отряде, шаг за шагом отвоевывая родную землю, а когда пришла долгожданная Победа, многое пришлось возродить заново, восстанавливая страну из руин.

– Послевоенное детство было тяжелым, трудно было всем, но люди не унывали, работали с верой в то, что хлеба будет вдоволь и наступят лучшие времена, – вспоминает М. Татарников. – Никогда не забуду свою первую учительницу, Анастасию Степановну, которая привила любовь к русскому языку и литературе. Во многом благодаря чуткости и настойчивости этой замечательной женщины я жил в мире художественных образов и приключений. Это сыграло основную роль в моей будущей писательской деятельности. Судьба распорядилась так, что мне довелось учиться в городе Барнауле на помощника машиниста тепловоза. Я и представить не мог, насколько сложна и интересна деятельность, связанная с железной дорогой, и вполне возможно, остался бы в этой профессии, но обстоятельства сложились иначе. В 1962 году

меня призвали на срочную службу в военно-морской флот. Служить довелось в городе Балтийске на флагманском крейсере «Свердлов». Длина его составляла 210 метров, а экипаж – 600 человек. Крейсер участвовал в походе в акваторию Атлантического океана, принимал участие в военных учениях совместно с Северным флотом. После похода корабль поставили на ремонт, и я продолжил службу на большом противолодочном корабле «Образцовый», оснащенном самым современным оборудованием и вооружением. Наш, современный по тем временам, БПК посещали руководители государства и военного ведомства. В то время мне посчастливилось познакомиться с космонавтом Алексеем Леоновым и беседовать с ним.

Глядя на Михаила Дмитриевича в тот момент, когда он рассказывал о морской службе, я видел, как горят его глаза, как он влюблен в морскую стихию. Несмотря на солидный возраст, он все еще крепок физически и молод душой. Ко всему прочему, он еще и «морж» – вместе с единомышленниками плавает в зимнем Ан-



г. Ташкента, после перевели в пресс-службу ГАИ столицы, а потом – в ГАИ МВД Узбекистана. Конечно, специфика работы в пресс-службе правоохранительных органов имеет свои тонкости и нюансы. Прежде всего, это огромная ответственность, умение отделять главное от второстепенного, профессионализм и мастерство. Мы активно сотрудничали со СМИ, расширяли взаимодействие. Опыт приходит с годами, а упорный труд и настойчивость – тому залогом. В то же время началась моя литературная деятельность: вышла в свет первая книга «Школа юного пешехода». Книжка для детей с иллюстрациями на русском, узбекском и каракалпакском языках имела успех у читателей. Впоследствии были написаны и другие книги, посвященные проблемам безопасности дорожного движения...

В 2000 году Михаил Татарников вышел на заслуженный отдых, но этот деятельный и активный человек не знал, что значит проводить время дома. Очередной виток его жизни начался с работы в Совете ветеранов МВД Республики Узбекистан.

...Михаил Татарников успешно продолжает литературную деятельность. Недавно вышла в свет очередная книга «На службе народу Узбекистана», на очереди другие произведения. Он неутомим как литератор и продолжает радовать поклонников своим творчеством – готовится продолжение автобиографической книги «Долгий путь к себе».

Я задаю собеседнику извечный вопрос:

– За плечами остались годы пройденных лет, многое стало историей. Вы счастливо прожили жизнь?

Он, не раздумывая, кивнул:

– Я счастлив, оттого что занят любимым делом, приношу пользу обществу, окружен интересными и талантливыми людьми. Живу и тружусь во имя родного Узбекистана...

Мы от всего сердца, искренне желаем Михаилу Татарникову крепкого здоровья, долголетия, семейного благополучия, творческого вдохновения и успехов на благо любимой Родины!

Георгий ПЕТРОСЯН,  
корреспондент «На посту».





14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## ЮРТНИНГ МАРД УҒЛУНЛАРИ

**Кўплаб ёш йигитларимиз тўғри ҳаётӣ қарор қабул қилиб, Ватан ҳимоячиси бўлишни танлайди. Шараф билан хизмат қилишда эса уларга юксак ватанпарварлик ҳисси, матонат ва жасорат ёрдам беради.**

Кичик сержант У. Назаров ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига қарашли 7255-ҳарбий қисмда БТР-80 механик-ҳайдовчиси бўлиб хизмат қилади.

Умиджон Назаров Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида туғилиб, вояга етди. Автотехника коллежини битирганидан сўнг Қуролли Кучлар сафига хизматга чақирилди. Хиз-

матни Қоровул қўшинлари бўлинмасида ўтади. Шартнома асосида хизматга қабул қилинганидан кейин Андижон вилоятига – ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига қарашли 7255-ҳарбий қисмга жўнатилди.

Кичик сержант Шерзод Мирзаев Умиджонга устозлик қилиб, тажриба, билим ва кўникмалари билан ўртоқлашди. Бугун У.



Назаровнинг ўзи бир қанча ёшларнинг устози ҳисобланади. Кичик сержантлар Шаҳбоз Йўлдошев ва Караматдин Айтпанов ундан хизмат сир-асрорларини ўрганиб, тажриба тўпламокда.

Бухоро вилоятининг Жондор туманида туғилган Авазбек Хайруллаев болалиқдан ҳарбий бўлишни орзу қилган. ИИВнинг Бухоро халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш қўшинлари батальонида муддатли хизматни ўтаётган ёш йигит ҳаётини

армия билан боғлашга қарор қилди. Яъни Андижон халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳарбий қисмда шартнома асосида хизматни давом эттирди.

Икки йил илгари махсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик взводи ташкил этилган, кичик сержант А. Хайруллаев жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича синовларни муваффақиятли топшириб, махсус бўлинма сафига киритилди.

Аваллига осон бўлмади.

Ҳарбий хизматчилар деярли кун бўйи жанговар тайёргарлик, қўл жанги билан шуғулланиб, ўқотар қуроллар турларини ўрганишар, 3,5 ва 10 километр масофага югурарди. Авазбек сидқидилдан ўз жанговар тажрибасини оширишга интилади.

– Кичик сержант А. Хайруллаев – тажрибали ҳарбий хизматчи, – дейди махсус вазифаларни бажарувчи сафарбарлик взводи командири, капитан Файратжон Самадов. – Хизматдан бўш пайтларида уни тренажёр залидан ёки батальон кутубхонасидан топиш мумкин. У ўз маҳорати ва билим даражасини доимий тарзда оширишга ҳаракат қилади. ИИВ Академиясининг сиртқи бўлимига ўқишга киришни, офицер бўлишни ният қилган бу йигитнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишига ишонаман.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
«На посту» мухбири.

Андижон вилояти.

Суратларда: кичик сержантлар Умиджон Назаров ва Авазбек Хайруллаев.

**Муаллиф олган суратлар.**



## АСКАР ОНАЛАРИНИ ШАРАФЛАЙМИЗ



**Ички ишлар вазирлиги Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига**

**ларини шарафлаймиз» шиори остида байрам тадбири ташкиллаштирилди.**



**қарашли 7251-сонли ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Аскар она-**

**эсдалик совғалари топширилди.**

**Азамат ҚУРБАНБАЕВ,**  
оддий аскар.

## НУКУСДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳамда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ва ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари ҳамкорлигида Нукус шаҳридаги «Ватанпарварлар боғи»да «Армия ва ёшлар» фести-

вали ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Миллий армиямиз – Янги Ўзбекистоннинг мустақкам қалқонидир!» шиори остида бўлиб ўтган фестивалда 7261-сонли ҳарбий қисм шахсий таркиби ҳам фаол иштирок этди.



Salomatlik saboqlari

# SOVUQ KUNLARDA SALOMAT BO'LING!

**Yurtimizda kuzatilayotgan anomal sovuq inson salomatligiga qanday ta'sir etadi? Uning zararli oqibatlaridan saqlanish usullari qanday?**

## GIPOTERMIYA

Tananing gipotermiyasi (gipertermiya) – sovuq odamning umumiy holati, butun tanasiga ta'sir qilishi va tana harorati 35°C dan pastga tushishidir. Gipotermiya va muzlash – o'xshash tushunchalardir.

1-darajali gipotermiya (yengil daraja)da tananing harorati 32–34°C gacha tushadi. Bunda teri oqarib, titroq paydo bo'ladi, gapirish qiyinlashadi. Qon bosimi odatda normal diapazonda qoladi yoki biroz ko'tariladi.

2-darajali gipotermiya (o'rta daraja)da tananing harorati 32–29°C gacha tushadi, teri ko'kara boshlaydi. Yurak urishi daqiqada 50 martagacha

da tananing harorati 29°C va undan pastroqqa tushadi. Yurak tezligi daqiqada 36 martagacha kamayadi, kislorod ochligi namoyon bo'ladi, qon bosimi pasayadi, odam tez-tez hushini yo'qotadi yoki chuqur komaga tushadi. Teri pushti rangga kiradi, yuz va oyoq-qo'llar shishadi. Ko'pincha tanada konvulsiyalar paydo bo'ladi, qusish kuzatiladi. Shoshilinch yordam bo'lmasa, jabrlanuvchi tezda vafot etishi mumkin.

## SABABLARI

Ko'pincha gipotermiya sovuq suvga tushganda sodir bo'ladi. Uning yana bir keng tarqalgan sababi minus yoki minimal ortiqcha atrof-muhit haroratida kerakli miqdordagi kiyimning yetishmasligidir. Shuni ham ta'kidlash joizki, yuqori namlik va kuchli shamol organizm tomonidan issiqlik yo'qotishni tezlashtiradi. Sovuq mavsumda kiyim ham tananing gipotermiyasiga yordam beradi. Shu

vazifasini o'taydi.

Tana gipotermiyasiga hissa qo'shishi mumkin bo'lgan kasalliklar va patologik holatlar sirasiga spirtli ichimliklar yoki giyohvand moddalar bilan zaharlanish, yurak yetishmovchiligi, qon ketishi, miya shikastlanishi, gipotenziya va sovuqda uzoq vaqt harakat yetishmasligi, bosh kiyimsiz yurish, noto'g'ri ovqatlanish, parhezni kiritish mumkin.

## BIRINCHI YORDAM

Avvalo, birinchi yordam to'g'ri ko'rsatilishi kerak, aks holda, jabrlanuvchining ahvoli faqat og'ir-

kuchayishiga sabab bo'lishi mumkin.

Qattiq gipotermiya – yurak-qon tomir tizimining patologiyalari, jiddiy bronxopulmoner kasalliklar, qovuq, buyraklarning yallig'lanish jarayonlari, miyaning kichik va segmental kasalliklari bilan bir qatorda, barcha surunkali kasalliklarning kuchayishiga sharoit yaratadi.

Juda qattiq gipotermiya – katta to'qimalar nekrozi va gangrenoz jarayonlarning shakllanishidir. Bu buyrak va jigar yetishmovchiligi, miya tizimli kasalliklari, toksemiya, qon sepsisiga sabab bo'ladi. Yurak xurujlari, qon tomirlari, periferik tomirlar tuzilishidagi qaytarilmas o'zgarishlar, tomirlar va arteriyalarning shikastlanishiga olib keladi.

## OLDINI OLISH CHORALARI

- chanqoq'ingizni qor, muz yoki sovuq suv bilan qondirmang;
- sovuqda chekmang, tamaki qon aylanishini buzadi;
- ko'p miqdorda spirtli ichimliklar ichmang, mast bo'lganda odam muzlashning dastlabki belgilarini

ko'ra olmaydi;

- sovuqda bosh kiyimsiz sharf va qo'lqopsiz ko'chaga chiqmang, tananing ochiq joylarini maxsus krem bilan yog'lash ortiqcha bo'lmaydi;
- keng kiyim kiying, tor kiyimlar qon aylanishini yomonlashtiradi. Ustki kiyim suv o'tkazmaydigan bo'lishi kerak;
- agar tanangizning bir qismi allaqachon muzlab qolgan bo'lsa, har qanday holatda ham uning yana muzlashiga yo'l qo'ymang;
- oyoq-qo'llaringiz muzlaganini his qilish bilanoq, darhol issiqroq xonaga kiring (do'kon, dorixona va boshqalar.);
- har doim shamoldan yashirining, uning bevosita ta'siri muzlashni tezlashtiradi;
- qattiq poyabzal kiyishdan saqlaning;
- sovuqqa chiqishdan oldin yaxshi ovqatlaning, ovqat tanani energiya bilan boyitadi;
- sovuqda metall taqinchoqlar (zanjirlar, uzuklar, sirg'alarni) taqming;
- sovuqda nam sochiqlardan foydalanmang;
- agar sizni uzoq yurish kutayotgan bo'lsa, unda qo'lqop va paypoqning o'rni bosuvchi juftlikni, shuningdek, issiq choy termosini olib yuring;
- sovuqda yurganingizdan so'ng, tanangizning biron bir qismi muzlaganligiga ishonch hosil qiling.

**Shuhrat NISHANOV,**  
IIV Tibbiyot boshqarmasi  
boshlig'i, podpolkovnik.



lashishi mumkin. Sovuqdan keyin darhol issiq dushga tushish, qo'llarni issiq suv oqimi ostiga qo'yish mumkin emas. Sovuqdan is-siqgacha haroratning keskin pasayishi kapillyarlarning shikastlanishiga olib keladi.

## ASORATI

Yengil gipotermiya – sovuqlar, rinit, yengil bezovtalik, «sovuq allergiya»ning shakllanishi asosan mahalliy teri toshmasi bilan kechadi.

O'rtacha gipotermiya – o'tkir respirator kasalliklar, shu jumladan, gripp, tomoq og'rig'iga olib kelsa, laringit va faringitdan nafas olish tizimi bilan bog'liq muammolar yuzaga keladi. Birinchi, ba'zan ikkinchi darajali gipotermiya qandli diabet, artrit, bronxial astma kabi surunkali kasalliklarning

sekinlashadi va nafas olish tizimining faoliyati susayadi. Qon aylanishining pasayishi tufayli barcha tizimlar va organlar kerakli miqdordagi kislorodni olmaydi, odamda uyquchanlik kuchayadi. Ushbu bosqichda odamning uxlab qolishiga yo'l qo'ymaslik juda muhim. Chunki uxlaganda tananing energiya ishlab chiqarishi sezilarli darajada kamayadi. Bu esa tana haroratining yanada tezroq pasayishi, hatto o'limga olib kelishi mumkin.

3-darajali gipotermiya (og'ir daraja)

bois tabiiy matolar issiqlikni yaxshiroq ushlab turishini hisobga olib, tabiiy jun, mo'yna va paxtali kiyimlarni kiyish maqsadga muvofiq. Sintetik matolar esa organizm tomonidan issiqlikning tez yo'qolishiga hissa qo'shadi. Bundan tashqari, qattiq poyabzal ham oyoqlar gipotermiyasining keng tarqalgan sababidir. Esingizda bo'lsin, poyabzal yoki kiyim biroz kattaroq bo'lsa, ularning ostida iliq havo qatlami bo'ladi va bu tana va sovuq o'rtasida qo'shimcha «devor»

✓ 14 января – День защитников Родины

# ВСТРЕЧА ТРЕХ ПОКОЛЕНИЙ

ГУВД Ташкентской области и областной отдел Республиканского центра духовности и просветительства организовали встречу трех поколений, в которой приняли участие молодежь и ветераны сферы.

Руководитель Ташкентского областного отдела Республиканского центра духовности и просветительства Сайёра Файзиева рассказала о Послании главы нашего государства Олий Мажлису и народу



Узбекистана, особо остановившись на главной идее: «Прежде всего - человек, а затем - общество и государство».

Было отмечено, что 2023 год, как логическое продолжение предыдущего, назван Годом заботы о человеке и ка-

чественного образования, и приоритетной задачей государственной политики, проводимой в Узбекистане, является

обеспечение интересов человека.

В ходе мероприятия ветераны органов внутренних дел рассказывали начинающим стражам порядка о своей службе, профессиональной деятельности, делились опытом.

Группе самоотверженных молодых сотрудников, являющихся примером для коллег, были присвоены очередные специальные звания.

В завершение мероприятия наставникам молодежи вручены благодарственные письма и памятные подарки.

Соб. корр.

14 января – праздник тех, кто защищает Отечество, мир и спокойствие народа, свободу и независимость Узбекистана. Для всего народа этот день – олицетворение силы и мощи, символ безграничной любви и преданности Родине, заботы о каждой семье.



## СВЯЩЕННЫЙ ДОЛГ ЗАЩИЩАТЬ ОТЧИЗНУ

«Национальная армия – надежный щит Нового Узбекистана!» – под таким лозунгом в общеобразовательной школе № 5 города Гулистана состоялось праздничное мероприятие. Сотрудники УВД Сырдарьинской области, МООНа, отдела координации специальных операций МВД Республики Узбекистан продемонстрировали учащимся боевые навыки, раскрывали суть понятия «патриотизм».

Идея проведения подобных мероприятий в том, чтобы ученики

прониклись уважением к профессии защитника Родины, захотели стать одним из них, поняли, что для этого необходимо быть физически и духовно развитыми.

Данный праздник символизирует гордость нашего народа за свою армию. В этот знаменательный день мы выражаем огромную благодарность уважаемым родителям, воспитавшим сыновей и дочерей, служащих в рядах защитников Отечества, нашим военнослужащим – гарантам спокойствия народа, их семьям.



В этот день с благодарностью вспоминают погибших героев, отцы и деды рассказывают об армейской службе, в школах проходят классные часы и встречи с ветеранами правоохранительных органов. 14 января объединяет все поколения граждан нашей страны.

Уместно поздравить не только людей при погонах, но и всех со-

отечественников, готовых знания, силы и имеющийся потенциал отдать Родине в случае необходимости. Желаем всем быть настоящими защитниками Узбекистана, своего дома, семьи. Здоровья, счастья, мира и благополучия!

**Абдурахмон МУСТАФУКУЛОВ,**  
корреспондент «Postda».  
Сырдарьинская область.

✓ Фотоинформация

## ВЕДЕТСЯ НЕПРЕРЫВНАЯ РАБОТА



**В целях эффективного решения проблем, возникающих в результате ухудшения погодных условий в зимний период, оказания социальной помощи населению представители республиканской рабочей группы посетили Навоийскую область.**

Проанализирована проводимая в регионе работа. В частности, изучена деятельность рабочих групп территориальных штабов, созданных в ОВД г. Навои и Карманинского района. Даны

рекомендации относительно мер, которые необходимо принять для поддержания спокойствия в обществе, заслушаны отчеты руководителей секторов.

Соб. корр.



✓ **Юрт фидойилари**



## «ЧАРМ ТЎПНИ ЧАРМ ҚЎЛҚОПГА АЛИШТИРДИМ»

Бугунги меҳмонимиз бокс бўйича мамлакат терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, жаҳон ва Осиё чемпиони, Олимпия ўйинлари ғолиби, Ўзбекистон Миллий гвардияси офицери, капитан Баҳодир Жалолов.

– Эшитишимизча, футбол билан профессионал тарзда шуғулланган экансиз? Лекин боксни танлагансиз. Нега энди сиз таваллуд топган ҳудудда анча ривожланган миллий курашни эмас?

– Раҳматли отам Исомидин Жалолов самбо бўйича спорт устаси бўлган. Аммо менинг курашчи бўлишимни хоҳламаган. Шунинг учун футболни танлагандим. Саросиёдаги мураббийим Мақсуд ака чарм тўпнинг кўплаб сир-асрорларини маҳорат билан ўргатди. Лекин падари бузрукворимнинг орзуси ёлғиз ўғлини таниқли боксчи қилиш эди. Шу сабабли, дунёнинг номдор чарм қўлқоп усталари Майк Тайсон, Леннокс Льюис ҳамда Виталий Кличколарнинг видеотасмаларини кўйиб берарди. Менинг эса футболдан воз кечиш ниятим йўқ эди. Бироқ отам 2008 йилда мени Чирчиқ олим-

фақиятсизликларга дуч келганингизда, боксни ташлаб, бошқа фаолият тури билан шуғулланиш кўнглингиздан ўтганми?

– Ҳақиқатан ҳам, бу спорт турида ўрнимни топганимча анча машаққат чекканман. Бу жараёнларни мен билан бирга ўқиган, машғулларга қатнашган дўстларим яхши билишади. Ҳатто кўпчилик Баҳодир боксни ташлаб кетади, деган фикрга ҳам келишган. Яширмайман, бундай қарор ўзимда ҳам бўлган. Аммо отамнинг юзини ерга қаратмаслик, ҳамқишлоқларимнинг «эркатой ўғил қийинчиликларга чидай олмасдан қайтиб келибди» деган гапларини эшитмаслик учун тишимни тишимга қўйиб, сабр билан чидаганман. Унинг устига, барча спортчиларда бўлгани каби, менда ҳам мағлубиятлар кузатилганда, «ўзи боксда бирон

нимага эриша олмагани ёки йўлимни топа олмасдан, умримни бекорга ўтказяпманми, ундан кўра, бошқа соҳани танлаганим яхши эмасми?» деган ўйлар ҳам ўтган.

Ана шундай пайтларда онажонимнинг менга далда бўлиб, кўнглимни кўтаргани, келажакка ишонч билан қарашни ўргатиб, қўллаб-қувватлаши ютуқларга эришишимда асосий пойдевор бўлди. Бунинг учун табаррук зотдан бир умрга миннатдорман!

пий захиралари коллежига ўқишга олиб келиб, боксга кўйди. Шундан сўнг чарм тўп билан хайрлашиб, чарм қўлқопга ошно тутинишимга тўғри келди.

– Спортда ўз йўлингизни топганингизга қадар қийинчилик ва муваф-



– Эришган биринчи ютуғингиз қачон бўлган?

– Таълим муассасасида шартнома асосида тахсил олишни ҳаётимдаги катта ютуқлар ва ғалабага етакловчи муҳим омилардан бири бўлган. Кунлардан бир кун кол-

тимни ишга солиб, мусобақага қаттиқ тайёргарлик кўра бошладим ва қилган меҳнатларим ўз самарасини бериб, кумуш медаль билан тақдирландим. Бокс бўйича мамлакатимиз терма жамоасига олиндим. 2014 йили ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида эса бош совринни қўлга киритиб, олий ўқув юртига қабул қилиндим.

Шундан сўнг зафарли юришларим бошланиб, кетма-кет ғалабаларга эришдим. Уч қарра катталар ўртасида Ўзбекистон чем-

2016 йилги Рио олимпиадасига тайёргарлик кўраётган вақтимда, унинг бошланишига 3 ой қолганида қўлим синди, унинг устига, менинг олимпиада ўйинларидаги ғалабамни кўришни бир умр орзу қилиб келган отам оғир хасталик туфайли фоний дунёни тарк этди. Бундай тушкунлик ва йўқотишлар натижасида ғалабани ҳам бой бердим. Аммо «интилганга толе ёр» деганларидек, ҳаракатни тўхтатмадим, ўз устимда мукаммал ишлаб, ғалабага бўлган ишон-

чимни оширдим. 2021 йили Токиода бўлган олимпиада ўйинларида орзумга эришиб, олтин медальга эгаллик қилдим. Буни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман!

– Дунё боксчиларидан кимларга ҳавас қиласиз?

– Ёшлигимдан жаҳон бокс оламида катта нуфузга эга бўлган Владимир Кличкога муҳлислик қиламан. Унинг барча жангларини кузатиб, ўзим учун муҳим жиҳатларини оламан. Ҳали унинг даражасига эриш-

маган бўлсам-да, келажакда ундан ҳам юқори марраларни забт этишга, янада таниқли ва забардаст спортчи бўлишга қарор қилганман.

– Келгусизда режарингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Ҳозирда энг катта режам – жорий йилнинг май ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида муваффақият қозониш. Бунинг учун тажрибали устозларим ёрдамида кучли тайёргарлик кўряпман.

– Суҳбатимиз сўнгида ҳамкасбларингиз ва Ўзбекистон халқига байрам тилақларингиз.

– Яқинлашиб келаётган 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан, барча юртдошларимизни самимий қутлайман. Шу билан бирга, бугунги кунда она Ватанимиз осойишталиги ва унинг тинчлиги йўлида тиним билмасдан, халқимизга сидқидилдан хизмат қилаётган юртимизнинг барча баҳодирларини чин қалбимдан табриқлайман. Доимо осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз тинч ва осуда бўлсин!

пиони, Болгария, Россия ва Қатарда ўтказилган нуфузли халқаро мусобақаларда шохсупанинг юқори поғоналаридан жой олдим.

– Суҳбатимиз мароми ўз-ўзидан устоз ва мураббийларга келиб тақалляпти...

– Менга жуда кўп меҳнати сингган устозларим сифатида 2000 йилги Сидней олимпиадаси бронза медали соҳиби Рустам Саидов ҳамда тажрибали мураббийлар Тўлқин ва Фаррух Қиличевларни таъкидлаган бўлардим. Боиси, уларнинг тинимсиз хизматлари ва менга кўрсатган чексиз меҳри туфайли бугунги мавқеимга эришдим. Устозликнинг қай даражада улғу мақом эканлигини эндиликда шогирдларим мисолида ўзим ҳам ҳис этиб борапман.

– Фаолиятингиздаги энг қийин, шу билан бирга, унутилмас ғалаба олиб келган жанглари сифатида қайсиларини эътироф этган бўлардингиз?

– Буларнинг ҳар иккиси ҳам олимпиада ўйинларида намоён бўлган. Яъни,

«Postda» муҳбири  
Михли САФАРОВ  
суҳбатлашди.

# MA'RIFAT BO'STONI

## OHANGI O'ZGARGAN KUY

– Men shu qadar baxtsizmanki... Aftidan, yomon odam bo'lsam kerak, – nolibdi shogird ustoziga.

– Sen yomon inson emas-san, shunchaki, biroz o'zgarish kerak.



– Qanaqasiga? Agar yomon bo'lmasam, unda nega o'zgarishim kerak?

– Kel, yaxshisi, buni senga amalda ko'rsatib beraman, – tabassum qilibdi ustoz.

U shogirdining qo'liga bir nay tutqazib, istalgan kuyni chalib berishini so'rabdi. Yigit nay chalishni bilmasa-da, uni asta lablariga yaqinlashtirib, teshiklarini birma-bir berkitganча puflyay boshlabdi. Hushtaksimон va xirillagan

tovushdan boshqa hech bir kuy chiqmabdi.

– Ko'rdingmi? – debdi ustoz. – Agar sen uni chalishni o'rganib olsang, kuy butunlay o'zgacha va yoqimli ohang hosil qiladi. Qani, ayt-chi, nima o'zgaradi? Nay ham, qo'llar ham, puflyash kuchi ham o'sha-o'sha, hatto chalgan ham sen bo'lasan. Lekin u ko'ngillarga huzur baxsh etuvchi, shifo ulashuvchi va ruhni yengillatuvchi tamoman boshqa musiqaga aylanadi.

**Qissadan hissa:** nimaiki zarur bo'lsa, hammasi senda bor. Agarda uyg'unlikni topib, buni anglay olmasang, atrofda hamma narsa yomon bo'lib ko'rinishi mumkin. O'z fikr-o'ylaring va irodangni uyg'un tarzda boshqarishni o'rgansang, ular qalbing bilan hamohang ravishda «harakat qiladi». Unutma, kamchiliklar aslida sen hali foydalanishni o'rganmagan eng yorqin fazilatlardan boshqa narsa emas.

## ZEHN...

...darajasini odamning bergan javobiga emas, savoliga qarab belgilash mumkin.

...sohibi har narsaning chegarasini anglay biladigan insondir.

...vaziyatga qarab qaror qabul qilish mahoratidir.

...insonga xos, lekin oqilona ish qilish uchun uning o'zi yetarli bo'lmaydi.

...ko'rsatkichi yuksak bilim darajasiga emas, xatti-harakatlarga qarab belgilanadi.

...go'zallikdan kuchli qudratga ega.

...qimmatli tosh kabi. Ayniqsa, kamtarlik bilan ishlov berilganda, ko'proq yaltiraydi.

...egalari hamisha o'z bilimni boyitib boradi, ahmoqlar esa shundoq ham hamma narsani biladi.

...tug'ma bo'lsa, uning o'rnini hech qanday ta'lim egallashga qodir emas va hech bir bilim tabiiy aql-zakatvatning o'rnini bosa olmaydi.

● O'z vujudingga tafakkur aylagil, Har ne istarsen, o'zungdin istagil.

● Yigitlikda yig' ilmning maxzani, Qarilik chog'i sarf qilg'il ani.

● Naf'ing agar xalqqa beshakdurur, Bilki, bu naf' o'zungga ko'prakdurur.

**Alisher Navoiy.**

## ISHONCHNI QAYTARISH IMKONSIZDIR

Kunlardan birida ikki do'st tortishib qolibdi. Shunda ular-dan biri ikkinchisi haqida noma'qul gaplar tarqatib, ham-maga uni yomonlab, sirlarini ocha boshlabdi.

Oradan bir muddat o'tib arazi tarqagach, noto'g'ri ish qilganini anglab yetibdi va do'stining yoniga borib uzr so'rabdi.

Shunda ikkinchi yigit debdi:

– Yaxshi! Seni avf etaman. Faqat bir shart bilan.

– Qanaqa shart?

– Mana bu paryostiqlarning jildini olib tashla va ichidagi bor parni shamolga qo'y.

Aybdor do'st xuddi shunday qilibdi. Shamol yostiqlar-

larini uzoq-uzoqlarga uchirib ketibdi. Shunda dilozor yigit yana do'stining yoniga kelib:

– Sen aytgan ishni qildim. Endi afv etildimmi? – deb so'rabdi.

Dili qattiq ranjigan do'st esa:

– Ha, agar mana shu sochilgan parning hammasini yana yostiq ichiga to'play olsang, ana o'shanda seni kechirgan bo'laman, – deb javob qaytaribdi.

Tabiiyki, sochilgan parlar-ni qayta to'plashning hech iloji yo'q. Xuddi shuningdek, atrofda tarqatilgan yomon va g'iybat so'zlarni, eng asosiy-si, bir insonning ikkinchisiga bo'lgan ishonchini qaytarish imkonsizdir.

## QAYG'U VA QUVONCH TANLOVI

Bir kishi umri davomida baxtiyor yashabdi. U hamisha jilmayib turar, hech kim uni g'amgin holda ko'rman ekan. Kunlardan birida odamlar undan buning sababini so'rashibdi:

– Nega hech qachon xafa bo'lib, g'amga botmaysiz? Qanday qilib har doim quvnoq yurishga muvaffaq bo'lasiz? Baxt-saodatingizning siri nimada?

U kishi esa yuzida tabassum bilan javob qaytaribdi:

– Men ham bir vaqtlar hamma kabi siqilib, sal narsaga asabiylashar va kayfiyatsiz yurardim. Lekin vaqti kelib, bir haqiqatni anglab yetdim: hayot bu – mening tanlovim, mening hayotim. Ushbu tanlov imkoniyati faqat menga berilgan va faqat o'zimga bog'liq. O'sha kundan buyon har tong uyqudan ko'zlarimni ochib, o'zimga-o'zim savol beraman: «Xo'sh, bugun nimani tanlayman: qayg'unimi yoki quvonchni?» Tabiiyki, har doim quvonchni afzal ko'raman va taqdir yo'limda uchragan har qanday muammo-yu qiyinchiliklarni yaxshilikka deb qabul qilaman. Bor sir shunda.

**Gulchehra AZIMOVA tayyorladi.**



✓ *Лучшие – среди нас*

## С ЧЕСТЬЮ ВЫПОЛНЯЯ ВОЗЛОЖЕННЫЕ ЗАДАЧИ

Инспектору профилактики ОПП ОВД Турткульского района капитану Гурбану Муратову стало известно, что с завода по производству кирпича выкрали сварочное оборудование и около 30 метров кабеля. В ходе оперативно-следственных мероприятий было установлено, что несколько дней назад сюда часто наведывался неизвестный. Его личность удалось установить с помощью камер видеонаблюдения. Осмотр дома подозреваемого выявил спрятанные в нем краденые вещи. Злоумышленник был задержан.

Герой очерка родился и вырос в ССГ «Окбошли» Турткульского района. Занимается борьбой на поясах. Занимал призовые места на многих соревнованиях в составе сборной Республики Каракалпакстан по данному виду борьбы, является кандидатом в мастера спорта. По окончании вуза отслужил срочную службу в Навоийской области. Затем некоторое время преподавал физкультуру в районной общеобразовательной школе № 12.

Службу в органах внутренних дел начал в 2011 году. Ныне он в должности инспектора профилактики ОПП ОВД ОВД Турткульского района.

– Капитан Гурбан Муратов обеспечивал спокойствие на территории сходов граждан «Куна Турткуль» и «Анхорли», в которых проживает более 18 тысяч человек, – говорит начальник ОПП ОВД района подполковник Аллаяр Пшыев. – Он с честью выполняет возложенные задачи по охране общественного

порядка, своевременному предупреждению преступлений и правонарушений на вверенной территории, где проживают представители более десяти национальностей.

В течение прошлого года Г. Муратовым были составлены административные протоколы в отношении 198 граждан, совершивших различные правонарушения. На профилактический учет были взяты 44 лица со склонностью к совершению преступлений.



2 января текущего года героя очерка назначили инспектором профилактики, территорией ответственности которого являются фермерский рынок «Эл ризки» и торговый комплекс, расположенный на территории ССГ «Уллибог» Турткульского района.

Капитан Г. Муратов не раз поощрялся за эффек-

тивную службу. Так, в прошлом году его отметили как активного сотрудника по предупреждению правонарушений и преступлений в разрезе четырех секторов.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**  
корреспондент  
«На посту».


Республика  
Каракалпакстан.

✓ *Надежда и опора*

**Подростки нуждаются в поддержке. Осознание ребенком того, что взрослые искренне желают помочь, оградить от неверного шага, делает его уверенным в преодолении возникшей сложной ситуации.**

В общеобразовательной школе № 331 Янгихаётского района столицы обучаются 2 300 детей. Большинство из них проживают в трех махаллях – Янгитурмуш, Гулшанобод, Мархамат. Район характеризуется тем, что здесь преимущественно новостройки, соответственно и контингент жителей новый.

– Эту специфику вверенной территории мы естественно учитываем в работе, – говорит инспектор-психолог по делам несовершеннолетних ОПП УКД ОВД района старший сержант Зарнигор Мухаммедова. – Профилактика правонарушений среди несовершеннолетних, особенно входящих в так называемую «группу риска» – наша приоритетная задача. Во взаимодействии с инспектором профилактики лейтенантом Хайдаром Рустамовым, руководством и



педагогами школы, родительским комитетом осуществляем целенаправленную деятельность в образовательном учреждении, в семьях.

Работа инспектора-психолога требует учета возрастных особенностей подопечных. Вовремя замеченные отклонения в поведении, принятые психолого-педагогические меры могут сыграть важную роль в ограждении несовершеннолетнего от правонарушения.

– Дети разные, как и ситуации, в которых они оказываются. Ко-

нечно, есть устоявшиеся методики, но в каждом случае необходим индивидуальный подход, – подчеркивает З. Мухаммедова. – Общаясь с подростком крайне важно проявлять к нему чуткость, внимательно выслушать, разобраться в глубинных причинах, ведущих его к девиантному поведению. Это ключевой шаг психологической диагностики, с которого начинается большая коррекционная работа, направленная на повышение мотивации к учебе, налаживание межличностных отношений и т.д.

## ОБЪЕДИНИТЬ УСИЛИЯ

...Ученик 9 класса Уткир (имя изменено) воспитывается в неполной семье. Его отец давно ушел из дома. Мать, трудится на рынке, как может старается обеспечить сына всем необходимым. Однако... в один из дней мальчик угнал чужой велосипед. Конечно, данному действию подростка дана правовая оценка.

– Не менее важно добиться, чтобы осмысленную оценку своим действиям дал сам подросток. Уткир взят на учет. С ним, как и с его мамой, мы всегда на связи, – отмечает З. Мухаммедова. – При этом стремимся сделать так, чтобы подопечный не озлобился, занялся полезным и интересным для него делом, не усложняя жизнь семьи.

В практике инспекторов-психологов таких случаев немало. И в каждом из них надо искать единственно правильный путь к сердцу, душе ребенка. Если это удастся, значит мы, взрослые, на правильном пути. Главное – объединить усилия.

**Дилдора ЗАКИРОВА,**  
подполковник в отставке.  
**Радик ТУМΠΑРОВ,**  
корреспондент «На посту».



## Турмуш чорраҳаларида

**Зиёфат жуда зўр ўтди. Дастурхонда қушнинг сутидан бошқа ҳамма нарса бор эди. Меҳмондорчилик якунида маҳалла оқсоқоли дастурхонга фотиҳа ўқир экан, мезбонга «Аллоҳим янги очган дўконингизда ҳам савдоингизни бароридан берсин», дея тилак билдирди. Ҳамма унинг тилагига қўшилди.**

Меҳмонлар тарқалганида тун ярмидан оққан эди. Неъмат ака аҳли аёлига:

– Фақат дастурхонни йиғиштирсанглар бўлди. Кейин ётиб дамларингни олинглар. Меҳмон кутиб чарчагансизлар. Супур-сидирни эртага қиласизлар, – деб ўзи ховли ичкарасига кириб кетди. У ўрнига чўзилса ҳамки, анча пайт ухлай олмади. Ўзи доим шунақа – қаттиқ қувонса ёки қаттиқ асабийлашса уйқуси қочади.

Бир пайт димоғига ачимсик тутун ҳиди урилди. Ташқарига чиқиб қараса, боя зиёфат берган меҳмонхонаси деразаларидан тутун чиқяпти.

– Ҳой! Ҳаммаларинг чиқларинг, меҳмонхона ёнапти!!! – деб бақирди у овози борича. Тезда оила аҳли югуриб чиқди. Кимдир «101»га қўнғироқ қилди. Бошқалар челақ кўтариб, дарвозахона ташқарисидаги ҳовуз томон югурди.

Неъмат ака ўртадаги деразани очиши билан тутун аланга олди. Бошқа деразаларни ҳам очиб, челақлаб ичкарига сув сепа бошлашди. Тез орада, ўт ўчириш машинаси ҳам овози оламни бузиб етиб келди. Барака топкур экипаж аъзолари тезда ёнғинни даф қилишди. Шу орада профилактика инспектори ҳам пайдо бўлиб, Неъмат акадан:

– Ўзларингизга зарар етмадимми, ишқилиб? – деб сўради.

Бу саволдан Неъмат ака додираб қолди. Ичкарида-

ги куйган кўрпа-тўшакларни олиб чиқаётган ўт ўчирувчилардан бири расмий оҳангда:

– Қурбонлар ва жароҳатланганлар йўқ, – деди. Шундан кейингина оила бошлиғи энгил тортди.

Офат даф бўлганидан сўнг ҳам негадир ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларидан бири меҳмонхонада анча пайт куймаланиб юрди. Ёз пайти бўлгани учун бу орада тонг ёришиб қолди. Анчадан кейин ҳалиги ходим профилактика инспекторининг ёнига келиб:

– Кимдир меҳмонхонага атайлаб ўт қўйганга ўхшайди. Ёнғин электр сими ўтмаган жойдан бошланган. Қисқа туташув бўлмагани аниқ, – деди.

Профилактика инспектори уяли телефони орқали туман ИИБ навбатчилик қисмига хабар бергач, Неъмат акага юзланиб сўради:

– Гумонингиз кимдан? Неъмат ака дабдурустдан бир нарса деёлмади. Ахир, бировга зиёни тегмаган бўлса, маҳалладаги қийналган оилаларга ёрдам бериб турса. Бошқа дўкондорлар билан ҳам ораларидан ола мушук ўтмаган.

– Қайдам... – деди у ўйга толиб.

Кўп ўтмай тергов-тезкор гуруҳи етиб келди. Терговчининг ҳам берган биринчи саволи шу бўлди. Неъмат акадан тайинли жавоб чиқмагач, ўсмоқчилаб сўради:

– Яхшилаб эслаб кўринг, бу яқинда кимдир ранжитганмидингиз? Балки, бирор

илтимосини ерда қолдиргандирсиз?

Шу лаҳза Неъмат аканинг кўз олдида яқинда камокдан чиққан жияни Жамол келди. Шу жияни ўтган куни иш сўраб келганди. «Ҳаммолик ёки қоровуллик бўлсаям майли», деганди. Ахир, ўғрилиқ қилгани учун қамалган одамни қандай қилиб дўконга ишга олади? Шунинг учун:

– Ҳозирча иш йўқ, жиян, ҳамма жойлар банд. Ишчилардан бировини бўшатиб, сани олсам, унга жабр бўлади, – деди. Ваҳоланки, янги очилган дўконига айнан юккаш керак эди.

Зиёфатга чақирса ҳам жияни келмади. Сингиси ҳам хотин-халажнинг орасида кўринмади. Иккови ҳам хафа бўлгани аниқ. Неъмат ака ўйланиб туриб, кўнглидан кечганини айтди. Терговчи профилактика инспекторига юзланди. Аммо кўрсатма беришига ҳожат қолмади – шу пайт Жамолнинг ўзи келиб қолди. У тоғасининг бошига кулфат тушганини эшитиб, гинасини бир четга суриб қўйди. Аввал бошқаларга қўл узатиб, кейин тоғаси билан кўришди.

– Ҳа, жиян, қилғилиқни қилиб, энди ҳеч нима бўлмагандай ҳол сўрагани келдингми?! – захарханда қилди Неъмат ака.

– Бу нима деганингиз, тоға? – ҳайрон бўлди Жамол.

Неъмат ака яна гапиришга оғиз жуфтлаган эди, тергов-

чи уни тўхтатиб қолди. Сўнг Жамолга юзланиб сўради:

– Шу кечаси қаерда эдингиз?

– Қаерда бўлардим, уйда. Шу пайт ҳовузнинг нариёғидаги анжир бутаси атрофини кўздан кечириётган изкувар эксперт билан терговчини чақириб қолди. Кўп ўтмай терговчи Неъмат акани ёнига чорлади. Бута ортида 6-7 та сигарета қолдиғи ётарди.

– Танишларингиздан кимдир «Pallmall» сигаретаси чекадимми?

– Ён қўшним Шодиқул нуқул шу сигаретдан чекади. Ана, ўзи. Ёнимда менга далда бўлиб турувди.

Эксперт сигарета қолдиқларини елим пакетга солиб, терговчига узатди. У Шодиқулнинг ёнига келиб, пакетни кўрсатди:

– Булар нима?

– Кўриниб турибди-ку, бичок, – негадир Шодиқулнинг ранги бўзариб кетди.

– Мабодо, шу бичоклардан сизнинг бармоқ изларингиз топилса нима бўлади?

Шодиқул талмовсираб қолди. Терговчи пакетни экспертга узатиб, Шодиқулга деди:

– Майли, сиз билан гапимизни идорада давом эттирамиз.

Шодиқул тўсатдан «портлади»:

– Э-э-э, ичимдагини шу ерда ҳам айтавераман.

Кейин Неъмат акага деди:

– Ҳа, меҳмонхонанга ман ўт қўйдим! Зиёфат охирида

сигаретамни ўчирмай лўла болишнинг орасига тиқиб қўйган эдим. Кейин анжир панасида туриб алангаланишини кутдим. Деразани очганингда, аланганинг лангиллашини кўриб маза қилдим. Яқин орада бунақа маза қилмагандим...

Неъмат ака қўшнисининг гапларидан аввалига ҳангу манг бўлиб қолди. Кейин зўрға тилга кирди:

– Нималар деяпсан?... Ман сани қиёматлик синфдош жўрам деганман-а!

– Э, қанақа қиёматли жўра?!

– Сани ҳурматинг учун иккала ўғлингизни қаватимга олганман.

– Қанақ қаватингга? Ма-лайликка, қора ишчиликка де! Қўлингда бирови ҳаммол бўлиб ишлайди, бошқаси аравакаш!

– Ҳайдовчи десанг-чи!

– Нима фарқи бор?!

– Ҳасад қиламан, дегин.

Шодиқул унга жавоб бермай, терговчига юзланди:

– Ўртоқ бошлиқ, ўзингиз айтинг, қани ҳақиқат, қани адолат?! Нега биров пулининг сассиғига ухлалмайди, бошқаси ойликни кутиб яшайди?! Биламан, сиз ҳам жавоб беролмайсиз. Майли, энди бошланг идорангизга.

Тергов-тезкор гуруҳи жўнаб кетгач, бошқалар ҳам бирин-кетин тарқай бошлади. Жамол ҳам энди кетишга чоғланганида, Неъмат ака унинг елкасидан кучиб:

– Кетмай тур, жиян, санда гапим бор, – деди...

**Бобомурод ТОШЕВ.**



## Хизматларда

# ХОТИРЖАМЛИККА АСЛО АСОС ЙЎҚ

**Бу соҳавий хизмат вакилларига ҳар доим ҳам кўзингиз тўшавермайди. Аммо юртимиз осойишталиги, фуқаролар хотиржамлигини бузиш, турли жиноятлар содир этиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар юз берган жойда улар тезда ҳозир бўлишди. Англаганингиздек, гап жиноят қидирув хизмати ходимлари ҳақида кетмоқда.**

...Ўтган йили 4 ноябрь куни Пискент тумани «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро У.Ибодуллаев ички ишлар органига мурожаат қилди. Унда 1 ноябрдан 2 ноябрга ўтар кечаси Оққўрғон тумани «Толовул» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги дала майдонидан ўзига тегишли 4 бош қўйи ўғирлаб кетилгани баён этилганди.

Ҳолат юзасидан олиб борилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида ушбу жиноятни «Толовул» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Одил Сафаров ва Солижон Йўлчиев (исм-фамилиялар ўзгартирилди) содир этгани аниқланди. Айни навқирон, тоғни урса талқон қиладиган ёшдаги йигитларнинг жиноятга қўл ургани аянчлидир.

– Ўтган йили ҳудудда жиноятларнинг олдини олиш ва фош этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди, – дейди Оққўрғон тумани ИИБ ЖҚБ бошлиғи, майор Улуғбек Канаев. – Соҳавий хизматлар ҳамкорлигида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ўғирлик, транспорт воситасини олиб қочиш, безорилик жиноятларини олдини олиш бўйича ижобий кўрсаткичларга эришилди. Шунингдек, жиноят қидирув йўналишида содир этилган ва олди олиниши мумкин бўлган жиноятлар сони ҳам камайди. Бироқ бу хотиржамликка асло асос бўла олмайди.

Кези келганда, туман ИИБ ЖҚБ катта тезкор вакили, капитан Шерали Ғозиев, тезкор вакиллар – капитан Зафар Мухатов, катта лейтенант Абдуазиз Ҳамдамов каби ходимларнинг фидокорона хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим. Юртдошларимиз умид билан ички ишлар органларига мурожаат қилар экан, уларнинг ишончини қозониш соҳавий хизмат ходимларининг зиммасидаги асосий вазифалардан бўлиб қолаверади.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**  
«Postda» мухбири.

Тошкент вилояти.



## ПОЗДРАВЛЕНИЕ

Обеспечивать безопасность Родины, спокойствие, мирную жизнь, законные права и свободы соотечественников – высокая честь. Выбрав профессию стража правопорядка, мы, курсанты Академии, глубоко осознаем ответственность, которая будет возложена на каждого из нас по окончании образовательного учреждения – ежедневно находиться на переднем крае борьбы с преступностью, руководствуясь принципом «Служить Родине – наш высший долг!», делом доказывать преданность своей стране, сохраняя при этом приверженность славным традициям, заложенным ветеранами сферы.

День защитников Родины – дата особенная, олицетворяющая благородные качества – патриотизм, мужество, духовную мощь. Искренне поздравляю старшее поколение стражей порядка с праздником чести и достоинства. Желаю здоровья, благополучия. Пусть всегда вам сопутствует уважение нашего народа!



**Тугронбек ЭРМАТОВ,**  
курсант Академии  
МВД Республики Узбекистан.



## ПОБЕДИЛИ СИЛЬНЕЙШИЕ

На днях в связи с 31-й годовщиной образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан и Днем защитников Родины в спортивном комплексе «Ёшлик» г. Ургенча состоялось первенство по рукопашному бою среди сотрудников органов внутренних дел Хорезмской области.



В 8 весовых категориях соревновались 15 команд, представлявших лучших спортсменов областного УВД, город-

ских и районных ОВД. Турнир был насыщен интересными поединками, каждый участник стремился к победе.

По результатам соревнований судьи объявили лучших. Первого места удостоилась команда УООП СОБ УВД Хорезмской области. Второе место – за «рукопашниками» сборной УКД ОВД города Ургенча. Третьими стала команда ОВД Кошкыпурского района.

Победителям и призерам турнира вручены дипломы, медали и ценные подарки.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
корреспондент  
«Postda».

Хорезмская область.

## ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

(с 16 по 22 января)



**Овен.** Идеальное время для творчества. Благоприятный период для взаимопонимания и взаимодействия. Будьте смелее, обращайтесь за помощью к влиятельным людям, если этого требуют обстоятельства. Полезно заняться собственным здоровьем, семейными проблемами.



**Телец.** Возможно, у вас будет много дел и забот, что приведет к накоплению усталости. Рекомендуется больше времени отводить на пассивный отдых и сон. Не следует заикливаться на делах. Выходные дни пройдут на подъеме. Стоит больше времени проводить в компании друзей и единомышленников.



**Близнецы.** Неделя складывается оптимистично. Желаемое будет даваться легко и свободно. Хорошее время для изменений в карьере. Можно брать и давать деньги в долг. Между тем от дальних поездок лучше воздержаться. Могут возникать разногласия с детьми, не усугубляйте ситуацию.



**Рак.** Ожидаются хлопоты по дому. Возможно непонимание между младшим и старшим поколением. Лучше не планировать прием родных или поход в гости. Выходные дни располагают к приятным поездкам, учебе и урегулированию любых конфликтных ситуаций. Ваш авторитет в обществе значительно возрастет.



**Лев.** Обратите внимание на здоровье. Имунитет ослабевает, следует соблюдать меры профилактики, чтобы не подхватить вирусную инфекцию. Также эти дни могут быть связаны с трудностями в общении и доступе к интересующей информации. Суббота и воскресенье – хорошее время для лечебных процедур.



**Дева.** Рекомендуется более взвешенно подходить к финансовым расходам – любые покупки могут оказаться неудачными. Возможны разногласия с домочадцами. Желательно избегать азартных игр. Конец недели складывается удачно. Если с кем-то поссорились, сделайте первый шаг к примирению.



**Весы.** Не стоит начинать ремонтные работы. В противном случае не избежать разногласий с родными. Не исключено, что вас будут упрекать в пассивности и неповоротливости при выполнении домашних дел. Вторая половина недели складывается гармоничнее.



**Скорпион.** Неблагоприятный период для контактов, знакомств, деловых поездок. Важные разговоры и встречи лучше отложить на потом. Выходные – прекрасное время для общения с детьми, семьей. Можно всем вместе выехать за город, посетить выставки, музеи.



**Стрелец.** Нежелательно давать и брать деньги в займы. Возможно, в этот период вы особенно остро ощутите, насколько сильно личная свобода зависит от денег, а ваши желания войдут в противоречие с возможностями. Однако в выходные ситуация изменится. Можно рассчитывать на помощь членов семьи.



**Козерог.** Скорее всего, внешние обстоятельства или люди будут препятствовать вашим инициативам. Отложите важные и ответственные дела до более благоприятного момента. В то же время окружающие будут настроены к вам доброжелательно. На выходных возможна судьбоносная встреча.



**Водолей.** Возможны некоторый дискомфорт, ухудшение самочувствия, болезнь. Необходимо больше времени тратить на лечение и отдых. Старайтесь экономнее расходовать силы и не планировать ничего грандиозного. Если вы водите автомобиль, строго соблюдайте правила дорожного движения.



**Рыбы.** Лучше воздержаться от интенсивных занятий спортом и участия в соревнованиях. Следует осторожнее обращаться с бытовой техникой: возможны технические поломки. Воздерживайтесь от участия в дружеских посиделках и не торопитесь заводить друзей в интернете. На выходных можно поменять имидж.

## Ma'naviyat marshrutlari

XO'JANAZAR  
HUVAYDO  
ZIYORATGOHI

Farg'ona tumanining Chimyon qishlog'ida joylashgan Xo'janazar Huvaydo ziyoratgohidan mahalliy va xorijlik sayyohlarning qadami uzilmaydi. So'nggi yillarda ta'mirlash va obodonlashtirish ishlari amalga oshirilib, ushbu qadamjo yanada fayzli go'shaga aylandi.



**M**ustaqillikka erishilganidan so'ng Xo'janazar Huvaydoning qarovsiz qolgan qabri ustida yangi ziyoratgoh qad ko'tardi. 2008-yili Huvaydo tavalludining 300 yiliga tayyorgarlik ko'rish jarayonida uning maqbarasi qayta tiklandi.

Tarixiy manbalarda Huvaydo hayoti va faoliyati bilan bog'liq ko'plab ma'lumotlar uchraydi. Farg'ona davlat universiteti dotsenti, tarixchi olim Qodirqul Ro'zmatzodaning yozishicha, Huvaydoning otasi G'oyibnazar asli o'shlik bo'lib, eshonlar avlodiga mansubdir. Taqdir taqozosi bilan u Chimyon qishlog'iga ko'chib kelib, madrasa va xonaqoh ochib, mudarrislik qilgan. Huvaydo ta'lim-tarbiyani o'z otasidan olgan. Qo'qon madrasalarida tahsil olib, qishlog'iga qaytgach, mudarrislik qilgan, g'azallar bitgan.

Huvaydo Boborahim Mashrabning zamondoshi, bir tarixiy muhitda yashab ijod qilgan mutafakkir edi. Biroq Huvaydo jamiyatda duch kelgan og'ir va murakkab muammolarni hal etishda Boborahim Mashrab yo'lidan bormadi. Balki Bahouddin Naqshband, Ahmad Yassaviy, So'fi Olloyor yo'lini – sunniy tasavvuf yo'lini tanladi.

Huvaydo Bahouddin Naqshband ta'limotidan ilhomlandi, butun faoliyati davomida naqshbandiya g'oyalarini odamlar o'rtasida keng targ'ib etishga

intildi. Zamondoshlarini halol mehnat qilishga, ezgu niyat bilan yashashga, qalbni poklashga, Muhammad alayhissalom sunnatlariga amal qilishga, aqlli, donishmand va bilimdon bo'lishga undadi. Imsizlik, nodonlik va jaholatni barcha kulfat va baxtsizliklarning bosh sababchisi deb bildi. O'zi uchun Ibrohim Adhamni ideal shaxs deb hisobladi. U kabi mard, oliyhimmat, faqir, kamtarin, halol bo'lishni orzu qildi.

Manbalarda yozilishicha, Huvaydo chimyonlik qiz bilan oila qurib, undan bir o'g'il ko'rgan va unga Xolmhammad deb ism qo'ygan. Hozir ham Huvaydoning avlodlari Chimyonda umrguzaronlik qilmoqda.

Istiqloq sharofati bilan Huvaydo merosini chuqur o'rganish, uning asarlarini ko'p nusxada chop etish, ulug' shoirning maqbarasini barpo etish va obod qilish imkoniyati vujudga keldi. Mamlakatimiz olimlari Huvaydo merosini o'rganishga bag'ishlangan qator asarlarini e'lon qilyaptilar.

Yilning to'rt faslida ham Huvaydo maqbarasiga borgan kishining bahri dili ochiladi, ruhi poklanadi. Faxriylar, yoshlar, turli kasb egalari, xususan, ichki ishlar organlari xodimlari ham bu qadamjoni ziyorat qilib, ma'naviy oziq oladilar.

**Abduvosit SIDIQOV,**  
«Postda» muxbiri.

*Farg'ona viloyati.*



## FOTOXABAR

Samarqand viloyati IIB PPX va Xavfsiz turizmni ta'minlash boshqarmasi xodimlari tomonidan yo'ldagi muzlamalar sabab yiqilib, jarohat olgan chet ellik sayyohga yordam ko'rsatilmoqda.

Postda  
Ha nocty

## MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –

polkovnik  
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –

mayor Azizjon FAYZIYEV  
kapitan Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –

Jahongir SHAROFBOYEV  
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –

kapitan Mixli SAFAROV  
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –

Zokir BOLTAYEV  
Ilhom JUMANOV  
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar –

Abu KENJAYEV  
Ikrom HASANOV

## TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari  
bo'yicha:

71-231-38-74;

97-420-89-24

Web-site: [www.postda.uz](http://www.postda.uz)

E-mail: [info@postda.uz](mailto:info@postda.uz)



Tahririyat hisob raqami  
20210000600447980001.

Bank kodi 01037.

ATB

«Qishloqqurilishbank»  
Sergeli bank  
xizmatlari ofisi.  
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'l-yozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili:

Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma №V-5374.

Bosilish – ofset usulida.

Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 50338 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.

Tashkilotlar uchun – 366.

Bosishga topshirish vaqti – 22.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

## MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk  
ko'chasi 9-uy.



[www.postda.uz](http://www.postda.uz)



[t.me/postdarasmiy](https://t.me/postdarasmiy)



[www.facebook.com/postdauz](https://www.facebook.com/postdauz)



[www.instagram.com/postda\\_uz](https://www.instagram.com/postda_uz)